O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB[XONASI]
INV. № 2002 — 2003

# ЯНГИ ЙИЛ ҲАММАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 1-yanvar • N1 (3638)

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Яна бир неча дақиқалардан кейин XX1 асрнинг биринчи йили билан хайрлашиб, янги 2002 йилга қадам қўямиз.

Мана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда байрамона дастурхонлар атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз ва қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган қутлуғ Янги йил айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, барчангизга ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Шундай дамларда якунига етаётган йилнинг ўзига хос оғир ва енгил томонларини, аввало, шу йил давомида бошимиздан кечирган воқеаларни эслаш, амалга оширган хайрли ишларимизни сарҳисоб қилиш, яна бир бор хаёлимиздан ўтказиш табиий ҳолдир.

Албатта, 2001 йил давлатимиз, эл-юртимиз учун осон кечгани йўқ. Турли офат ва қийинчиликлар, дуч келган синовлар ҳақида — сурункасига икки йилдан буён давом этиб келаётган қурғоқчилик ва унинг салбий оқибатлари, ташқи бозорга чиқараётган пахта толаси ва бошқа экспортбоп маҳсулотларимизнинг нархи пасайиб бораётгани туфайли валюта тушумининг камайиши, бунинг устига, кўп жойларда ишни ташкил этиш ва бошқаришда йўл қўйилган камчиликлар — буларнинг барчаси ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Лекин, шундай муаммоларга қарамасдан, ўтиб бораётган йилни розилик ва шукроналик кайфияти билан кузатишга ҳар томонлама асосимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг далолатини, аввало, мамлакатимиз, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сураётганида, мавжуд қийинчиликларга қарамай, иқтисодиётимизнинг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётганида, барчамиз гувоҳ бўлиб турган янги-янги улкан иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётганида, бир сўз билан айтганда, иқтисодий салоҳиятимиз мустаҳкамланиб, юртимизнинг янада обод бўлиб, чиройи очилаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Бунинг исботини маънавий юксалиш, халқимизга хос азалий қадриятларни тиклашда, шу билан бирга, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилишда, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурида изланиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковати, билим ва тажрибасига суяниб яшаш каби фазилатлар, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусининг тобора кучайиб бораётганида кузатишимиз мумкин.

Келажагимиз ҳақида фикр юритганда, бизнинг кўнглимизни тўқ қиладиган яна бир ўта муҳим масала борки, уни эсламасликка ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман.

Мен бу ўринда бугун кучга тўлиб, замонавий билим ва илғор малакаларни эгаллаб олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган Ватанимизнинг келажаги ва тараққиётини ўз зиммаси, ўз масъулиятига олишга қодир янги авлод униб-ўсиб келаётганини назарда тутаман.

Кўксимизни тоғдай кўтарадиган эл-юртимизнинг энг катта ишонган таянчи ва суянчи бўлмиш фарзандларимизнинг камолини кейинги йилларда ёшлар таълими ва тарбиясига қаратган катта куч ва эътиборимиз, бу борадаги изчил сиёсатимиз ҳозирданоқ ўз ҳосилини бераётганини кўриб, ҳар қайси ота-она, ҳар қайси оила, барчамиз узоқни кўзлаб қилган шу ишимиздан рози бўлмаслигимиз, шукр қилмаслигимиз мумкинми?

Ҳурматли юртдошлар!

Тугаб бораётган йилнинг тарихимизда қолдираётган изи ва таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, охирги ойларда бошланган антитеррористик кураш, унинг самараси ва натижалари ҳақида гапиришимиз ўринли, деб биламан.



Шу ҳаракатлар туфайли Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган кескин ўзгаришларни ва, аввало, қўшни Афғонистон ҳудудида йигирма йилдан буён давом этаётган урушни тугатиш, кўп азоб ва уқубатлар кўрган шу тупроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида биринчи қадамлар қўйилаётганини эътироф этишимиз керак.

Америка Қўшма Штатлари ва унга иттифоқчи бўлган давлатларнинг халқаро терроризмга қарши эълон қилган, бу жирканч иллатни таг-томири билан суғуриб ташлашга қаратилган курашида Ўзбекистоннинг эгаллаган аниқ-равшан ўрни ва олиб бораётган сиёсати тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу масалада Ўзбекистон тутган сиёсатнинг маъно-мазмуни ва аҳамиятини чуқур англаш учун, аввало, 11 сентябрдан кейин ва Афғонистонда контртеррористик операциялар бошланмасдан олдин вужудга келган оғир ва ноаниқ вазиятни ўзимизга тасаввур қилмоғимиз керак.

Шундай мураккаб бир шароитда, ҳеч иккиланмасдан, қатъиятлик билан, фақат ва яна бир бор фақат Ўзбекистон манфаатини кўзлаб, бизга нисбатан тўрт томондан билдирилган турли хил маслаҳатлар, дўқ-пўписаларга қарамасдан, ягона ва тўғри қарорга келиш шу пайтда осон иш эмас эди.

Ҳеч кимнинг ноғорасига ўйнамасдан танлаган бу мустақил йўлимиз ҳозирги кунда бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда ва тан олинмоқда.

Бугун узоқ ва яқин қўшниларимиз, умуман халқаро ҳамжамият, жаҳон халқлари Ўзбекистонга, унинг мард ва танти халқига, ҳар қандай ҳал қилувчи дамларда, шароит ва вазиятларда ҳам унинг қатъиятли сўзига ишониш ва таяниш мумкинлигига иқрор бўлмоқда ва шундан хулоса чиқармоқда.

Илгари Ўзбекистонни балки харитадан ҳам топа олмайдиган олис давлатларнинг вакиллари бугун мамлакатимизни янгидан танимоқда ва унга хайрихоҳлик билдирмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган йил мобайнида ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам барча қийинчиликларга бардош бериб, белимизни қаттиқ боғлаб қилган меҳнатимиз, пешона теримиз билан қўлга киритган ютуқларимиз, жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик қадриятлар ва кенг кўламли ислоҳотлар, халқаро майдонда қозонган юксак обрў-эътиборимиз эртанги ҳаётимизни янги босқичга кўтариш ва эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Албатта, биз янги марра, янги уфқлар сари ҳаракат қилар эканмиз, аввало, ўз кучимиз ва қудратимизга, ақл-заковатимизга суянган ва таянган ҳолда, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, ўз режаларимизни белгилашимиз ва ҳар доим шулар ҳисобидан келажагимизни кўришимиз ва қуришимиз табиий.

Бизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқимиз турмушини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш мақсадида қилаётган ҳаракатларимизга катта хайрихоҳлик билан қараб, ҳамкорлик қўлини узатаётган энг тараққий топган давлатлар ва чет эллик шерикларимизнинг ёрдами ва кўмаги, иқтисодиётимизга хорижий сармоялар кириб келаётгани, шу асосда қўшма корхоналар тузилаётгани, янги лойиҳалар амалга оширилаётгани бу марраларга етишимизда айни муддао бўлади.

Азиз ватандошларим!

Мен Янги йил арафасида сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Халқимизнинг асл табиатида бўлган, юртдошларимизга хос меҳр-оқибатлилик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, шафқат ва мурувват каби буюк хусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авлод, фарзандларимиз онгига сингдириш бугунги ва эртанги кунимизни янада чароғон этишда, эзгу мақсадларимизга эришишда энг катта мезон ва омил бўлишини англаб олишимизга ишонаман.

Айнан мана шундай ўлмас қадриятларга, ўз кучи ва қудратига инониб яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай ёвуз ва сохта куч қайтара олмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Янги йилни халқимизнинг хоҳиш-истагини ифода этиб, Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганимиз ҳам албатта бежиз эмас.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ савобдир.

Биз Янги йилга меҳрибон ота-оналаримизни, муҳтарам қарияларимизни улуғлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан қадам қўяётган эканмиз, ўйлайманки, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлгай, иншооллоҳ.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни юртимизга кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор қутлаб, ўзимнинг энг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Янги йил ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга тинчлик ва қут-барака ато этсин!

Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг бахту иқболини берсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## *ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ*

**Яна бир йил ўтди, ортда — қайтмас йўл —**
**Тарихга айланмиш кечаги ҳаёт.**
**Гарчанд юракларда шодлик ҳисси мўл,**
**Умр, бу — тўқилиб ўқилган баёт.**

**Янги деб аталган йил ҳам аслида**
**Эски фалсафанинг давоми эрур.**
**Мудроқлик, улғаймоқ, пишмоқ фаслида**
**Бунинг ифодаси яққол кўринур.**

**Йил сайин улғайган ёшимни санаб,**
**Ўттиз ёшга қараб қадам қўйдим мен.**
**Йигирма тўққиз йил ўзимни алдаб,**
**Ортда қолаверган дамни суйдим мен.**

**О, дамлар!**
**Нечоғли қадрдондирсиз,**
**Минг таассуф, учрашмоқ фурсати бўлмас.**
**Фақат хотирамда қолдириб кўп из**
**Кўз олдимда пайдо бўлурсиз элас...**

**Ҳар тонгни зўр қувонч билан қаршилаб,**
**Шомнинг қучоғида кўргаймиз ўзни.**
**Қачон кўзгу узра юзга яхшилаб**
**Тикилиб, каттароқ очурмиз кўзни.**

**Гўё кўҳна тўндан қутулган мисол**
**Эски деб ҳар йилни кузатамиз шод.**
**Умрнинг ўтгани келмайди малол,**
**Деймиз, оққан сувдан боғ бўлур обод!**

**Шеърим — дилга яқин ҳамроз ва таскин,**
**Қанот бўлгай токи олдда кўп сарҳад.**
**Одамлар,**
**Умр ҳам бамисли чақин,**
**Эзгулик уруғин ўстиринг фақат!**

**Сафар ОЛЛОЁР**

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТДАН — ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА!

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Янги йил арафасидаги Тошкент учрашувлари минтақа халқлари ҳаётида муҳим тарихий бурилишлар даврини бошлаб берганлиги билан эътиборлидир. Анжуманда эътироф этилганидек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари Президентларининг бу галги мулоқоти дунёда туб ўзгаришлар рўй бераётган вақтга тўғри келди. Президентлар ўтган ўн йилдаги мустақил тараққиёт самараларига баҳо бериб, бу даврда Марказий Осиё давлатлари жаҳон ҳамжамиятидаги ўзаро муносабатлар тизимида фаол иштирокчига айлангани, айрим ноxолис ва ғараз ниятли кучларнинг минтақа мамлакатлари муносабатларига совуқлик солишга уриниб уюштирган фитналари пучга чиққанини таъкидладилар. МДҲ ҳудудидаги бошқа давлатларда бўлгани сингари жиддий келишмовчиликлар юз беришига йўл қўйилмагани эса ифтихорга арзирлидир.

Президентлар саммитида юртбошимиз Ислом Каримовнинг Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"га айлантиришга доир таклифи бир овоздан маъқулланди. Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонлари анжумани ўтказиладиган бўлди. Бу бизнес-форум қўшни мамлакатлар ишбилармонларига алоҳида имтиёзлар бериш масаласини ҳам кўзда тутаётгани билан аҳамиятлидир. Ўз навбатида Нурсултон Назарбоев 2002 йилнинг бошларида Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш таклифини илгари сурди. Учрашувда маданият ва санъат соҳаларидаги бундай ҳамкорликлар билан бирга транспорт коммуникацияси, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий офатларнинг олдини олишга доир масалалар юзасидан ҳам амалий таклифлар муҳокма этилди. Марказий Осиёнинг интеграция жараёнларини жадаллатиш орқали глобаллашувга тайёргарлик кўриш ва шу йўл билан юз бериши мумкин бўлган иқтисодий инқирозларни бартараф этиш, хомашё ва озиқ-овқат ресурсларини ишга солиш билан минтақанинг бетакрор табиий салоҳиятини юзага чиқариш мумкинлиги асослаб берилди.

Президентлар учрашувида ўртага ташланган ва муҳокама этилган бу ва бошқа масалалар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари давлат раҳбарларининг "Тошкент Баёноти"да ўз ифодасини топди. Тарихий аҳамиятга молик бу ҳужжатда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамда халқаро майдонда ўзаро яқин муносабат минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига жавоб беришини, тинчлик ва барқарорликни минтақа ва глобал даражада сақлаб туришида муҳим аҳамият касб этишини тасдиқладилар. Айни чоғда Афғонистон муаммосининг сиёсий ҳал этилиш жараёни ижобий баҳоланиб, Афғонистон халқига янгиланган ва демократик давлат қуришда гуманитар ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга тайёр эканликлари билдирилди. Шу билан бирга Баёнотда "Европа — Кавказ — Осиё" транспорт-коммуникация тизимининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгиланиб олингани алоҳида таъкидланади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашувлари чоғида келишиб олинган ва илгари сурилган тараққиётимиз йўналишлари қадим Туркистоннинг янги асрдаги истиқбол йўллари ойдинлигидан далолатдир.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**
**Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари**

## ЭЗГУ ИСТАКЛАРИМИЗ

"Ўзбекистон адабиёти ва саънати" ҳафталиги газетхонларини Янги 2002 йил билан қизғин ва самимий муборакбод этаман.



Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи нишонланган 2001 йил маданиятимизни янада ривожлантиришда катта босқич бўлди. Маънавиятимиз равнақ топяпти, мамлакатимизда янги маданият кошоналари қад кўтарди, ўзбек эстрада саньати ўзининг "иккинчи баҳори"ни бошдан кечирмоқда.

Янги йилдан эса умидларимиз жуда кўп. Маданият тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришимиз, муассасаларимиз фаолиятини бугунги кун талаблари, халқимизнинг маънавий эҳтиёжлари асосида тубдан қайта қуришимиз, уларни одамларга, ҳаётга яқинлаштиришимиз лозим.

Бу ва яна жуда кўп долзарб, муҳим, маъсулятли вазифаларни муваффақиятли бажаришда барча маданият ходимларига куч - ғайрат, ижодий ташаббускорлик ва фидойилик, Янги йилда уларга ва оила аъзоларига энг эзгу истаклар тилаб қоламан.

**Ҳожиакбар ШАЙХОВ,**
**Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари**

## ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ЙЎЛДОШИМИЗ!

Мана, бугун Она Ватанимиз сарҳадларига XXI асрнинг иккинчи тарихий йили — 2002 йил кириб келди.

Бундай қутлуғ ва масъулиятли дамларда босиб ўтган ҳаёт йўлингга беихтиёр назар ташлайсан, киши. Амалга оширган ишларингни, йўл қўйган хатоларингни тарозига солиб, келажагинг ҳақида ўйга толасан. Илло, ҳар қандай мамлакатда ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак ўзаро уй-ғунликда кечса, улар бир-бирларидан фазо ва вақт доирасида моддий-маънавий озиқланган ҳолда ривож топсагина ҳаёт барқарор ва бардавом бўлади. Акс ҳолда — бундай табиий уйғунлик сунъий йўл билан ёки четдан аралашув туфайли бузил-



**Давоми иккинчи бетда**

## МУЛОҚОТ

***Янги йил байрами муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими мамлакатимизда янги очилган Олий адабиёт курси тингловчилари билан учрашув ўтказди.***

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси вице-президенти Фазлиддин Ҳамроев Олий адабиёт курси тингловчиларини табриклар эканлар, мамлакатимизда ёш ижодкорларга яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзладилар.***

***Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосарлари Ҳожиакбар Шайхов, Сирожиддин Саййид, шоирлар Хосият Бобомуродова, Қўчқор Норқобил ўзларининг табрик сўзларида ижодкорнинг сўз ва адабиёт олдидаги масъулияти, адабиётнинг бугуни ва эртаси ҳақида фикр юритдилар.***

***Учрашувда Президентнинг давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев иштирок этиб, ёш ижодкорларнинг ўқиш ва ижодий изланишларида муваффақият тилади.***



## ТАҲРИРИЯТ МЕҲМОНЛАРИ

Ўтган жума куни таҳририятимизга қиш орасида баҳор кириб келгандай бўлди — Олий адабиёт курси талабалари меҳмон бўлдилар.

Сизга маълум, ўтган йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган Олий адабиёт курси иш бошлаган эди. Унинг тингловчилари бадиий ижод соҳасида истеъдодини намоён этган ёш шоир ва ёзувчилардир.

Таҳририятдаги курс тинг-ловчилари билан учрашув очиқ, ижодий мулоқот руҳида ўтди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Мурод Абдуллаев Олий адабиёт курси тингловчиларини Янги йил билан қутлаб, уларни газета билан яқин алоқада бўлиб, адабий жараёнда фаол иштирок этишга чақирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Сирожиддин Саййид курс тингловчиларини бугунги кунда ёш истеъдодларга яратиб берилган шарт-шароитдан унумли фойдаланишга даъват этди.

(*Мазкур учрашув ҳақидаги ҳисоботни газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.*)

СУРАТДА: Олий адабиёт курси тингловчилари (чапдан ўнгга) — Ориф Ҳожи (Ҳожиев), Неъмат Ҳайрат (Саидалиев), Нилуфар Сапаева, Жаҳонгир Холмирзаев, Хосият Рустамова, Даврон Ражаб, Маягўзал Чориева.

**С.МАҲКАМОВ сурати.**

## ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТИ

2001 йилнинг охири театршунос Муҳсин Қодиров оиласи учун қувончли бўлди. Олимнинг фарзанди, Бадиий академиянинг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти аспиранти Дилафрўз Қодирова танлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилги Давлат стипендиати этиб тасдиқланди.

Изланувчан ёш олима «XX аср ўзбек театрида либос ва пардоз муаммоси» мавзуида номзодлик диссертацияси устида қизғин иш олиб бормоқда.

Бу шарафдан Дилафрўзнинг ўзи ҳам чексиз ҳаяжонда. «Бундай юксак ишончдан бошим кўкка етди, — дейди у. — Албатта, менинг ютуқларимда устозларимнинг хизмати катта. Орзуим бор имкониятимни миллий театр санъати ва ўзбек маданияти равнақи йўлида сафарбар этиш".

## БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Айни кунларда болажонлар қишки таътилларини Янги йил арчаси атрофида ўтказиб, театрларда ўзлари учун тайёрланган янги спектаклларни мириқиб томоша қилмоқдалар.

Ана шундай спектакллардан бири Муқимий номидаги театрда муваффақият билан ўйналмоқда. Г.Файзиева асари асосидаги "Билағоннинг йўли чароғон" номли бу томоша режиссёри Рустам Маъдиев. Болаларга мос ажойиб мусиқалар муаллифи — композитор Баҳрулла Лутфуллаев. Асарда шўх, қувноқ, турли характердаги уч ака-ука улоқчанинг саргузаштлари орқали билимнинг кучи, ўқиган, оқу қорани ажрата олганларнинг бошқалардан устун томонлари қизиқарли тарзда кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон ёшлар театри ҳам мактаб ўқувчилари билан гавжум. Театр ижодкорлари болаларга Ариадна Василеванинг "Жаноби олийларининг соқчиси" номли асари асосидаги спектаклни совға қилдилар. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Георгий Мустафин саҳнага қўйган. Рассом — Г.Қурбонова, композитор — А.Холмирзаев.

## *БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА*



5

*Муҳокама учун мавзу*

# БОЛА КЎНГЛИ ОППОҚ ДАФТАР

## ёхуд истеъдод тарбияси ҳақида ўйлар

Орзиқул ЭРГАШ

Икки йилча бўлди бунга... Самарқандга бориб қолдим-да, одатим бўйича Регистонга кирдим. Ҳайитмиди, Наврўзмиди, ишқилиб мажмуада шу куни одам гавжум экан. Ўзимизнинг одамлар ҳам, хорижликлар ҳам тўп-тўп бўлиб юришибди... Чорак соатча айланиб, кейин бир чорпоя четига ўтирдим. Одамларни кузатгим келди...

Бир ота-бола диққатимни тортди. Ота – ўттиз ёшлар чамасидаги йигит – Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирлар мағзини чақиб берар, ўғилчаси эса ажабтовур бир жиддият билан отасининг сўзларини ёзиб борарди. Завқим келди. Япония ҳақида ўқиган, эшитганларимни эсладим. У ёқда ҳатто боғча болалари ҳам бирор ерга сайрга олиб чиқилса, қўлларида албатта дафтар-қаламлари бўлиб, кўрган-кечирганларини қайд этиб қўйишаркан...

Ота-бола диққати бир маҳал минора тагида ўйнаб юрган жимитдек болакайга қаратилди. Болакайнинг бошида кўзмунчоқ қадалган духоба дўппи. У ҳар гал минора тепасига қарамоқчи бўлганида дўпписи тушиб кетади. Бола уни бошига қўндиради-да, минора тепасига қарайди. Дўппи яна тушади. Охири бўлмади. Болакай ота-бола олдига чопиб келди-да, дўпписини тутқазиб, яна чопқиллаб қайтиб кетди. Шундан билдимки, кичкинтой уларга тегишли...



Болакай энди бемалол осмонга қараб олди-да, турган жойида айлана бошлади. Кўз ўнгида бутун мажмуа – мадраса, миноралар чарх уриб айланиб кетди шекилли, завқланиб кула бошлади. Охири гуп этиб йиқилиб тушди. Акаси югуриб бориб уни тур-ғазди-да, отаси томон етаклади. Бола унамай машғулотида давом этди...

Танишишни кичкинтойдан бошламоқчи бўлдим. Секин бориб рўпарасига чўкдим. Кўришгани қўл узатдим. Қўл берди. Отини сўрадим. Бурро тилда жавоб қайтарди. Гапга солдим. Одатда бунақа танишувларда аввало қанақа шеър (қўшиқ, эртак, топишмоқ...) билиши сўралади. Янги танишим шеърга ишқибоз экан. Отаси томон бир қараб олди-да (йўқ, "Қўғирчоғим оппоғим»ни эмас!) Ҳофиздан бошлади.

**Эй, сарбон, оҳиста юр, оромижоним борадур,**
**Тандин дилу жоним олиб, ул дилситоним борадур...**

Ҳайратланиб отага қарадим. У бир четда кулимсираб бизни кузатиб турарди. Кичкинтой каттагина ғазални чучук бир тилда айтиб, мени сеҳрлаб қўйган эди. Яна биласанми, дедим... Бола яна айтди:

**... Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,**
**Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.**

Абдулла Ориповдан... Мен лол эдим. Қад ростлаб боланинг отаси билан кўришдим. Исми Мамадиёр, шарифи Хушматов. Хатирчи туманидаги Ибн Сино номидаги жамоа хўжалигида яшаркан. Ўғилчаларини Самарқанд шаҳрига томошага олиб келибди. «Сўз бергандим, субутсиз бўлиб қолмайин, деб юз чақиримдан олиб келдим, экин-тикинни эртага давом эттираверсам ҳам бўлади», деди кулимсираб...

Дафтар-қаламли болани гапга солдим.

–Иброҳимжон, сен ҳам шеър биларсан?.. (Афсус, кичкинтойнинг номини эслолмай турибман.)

–Биламан.

–Қани, битта эшитайлик...

Бола рухсат сўраган каби отасига қараб олди-да, бошлади...

**Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим, билмадим,**
**Бу ғазабким айлади моҳим, гуноҳим билмадим...**

Тараддудда қолдим. (Кейинчалик аниқлашимча, бу ғазал Навоийдан экан!)... Хуллас, болалар шеърхонлиги билан қизиқдим. Гап орасида «Кичкинтойларни андак қийнаб қўймабсизми?» дедим. Гапимни оғир олмади.

—Бунақа гапларни бошқалардан ҳам эшитганман. Ҳатто, гўдакларни эзиб қўясиз-ку, бунча золим бўлманг, деганлар ҳам бўлган... Энди нима десам, ака, мен ўғилларимни мажбур қилмайман. Иштиёқ ўзларида бор. Мен фақат қувватлаб тураман. Ҳар битта ёдланган шеърдан сўнг албатта тақдирлайман. Самарқандга олиб келганим ҳам ана шунақа тақдирлашларимдан биттаси. Иброҳим ўғлим уч ёшидан бошлаган. Юзтадан ошди ҳозиргача. Кичкинамиз бўлса акасига таассуб қилиб ёдлайди. Ҳозир тўрт ёшда...

Анча суҳбатлашдик. Мамадиёрнинг ери бор экан. Деҳқончилик қиларкан. Кўнгли тусаганда шеър машқ қиларкан. «Бизлардаги бунақа иштиёқ отамерос шекилли, — дейди у. –Отам раҳматли мулла киши эдилар. Узоқ қиш кечалари тенгқурларини тўплаб олиб, машрабхонликлар қилганларини эслайман. Маза қилиб, тебраниб, кўз ёшлари дув-дув тўкилиб ғазаллар ўқишарди...»

Мамадиёрга кўнглимда туғилган истакни айтдим:

–Сизларни телевизор учун ёзиб кетсам...

–Йўғ-э, нима хизмат қипмизки!..

–Хизматингиз – болаларни тарбиялаяпсиз...

–Бола тарбияси вазифамиз-да. Бошқаларга нима қизиғи бор?

–Қизиқ томони, кўпчилигимизга ибрат бўлади, Мамадиёр, йўқ деманг!

Анча тортишдик. Охири очиғига кўчди.

–Ростини айтсам, мен қўрқаман, ака!

–Нимадан?

–Кўз деган нарсалар бор. Бола гулдай нарса...

–Унақа ирим-сиримлар хотинлар иши. Қўйинг. Худо асрасин...

Хуллас, қўярда-қўймай, кўндирдим...

***

Бири биридан бийрон болакайлар. Фарзанд тарбиясини ҳаётидаги бош мавзу, бош масала деб билгувчи навқирон ота... Унинг сўзлари... «Боланинг кўнгли оппоқ дафтар. Унга нимани ёзиш ота-она қўлида». «Ўғилчаларимдан балки шоир чиқмас, лекин яхши одамлар бўлиб ўсишига ишонаман...» «Бола гулдай нарса, кўз тегмасин, деб қўрқаман!»... Кейинги пайтлар бу сўзларни тез-тез эслайдиган бўлдим. Сабабки...

Хабарингиз бор: яқинда «Ўзбекистон» нашриёти «XXI аср: истиқбол тимсоллари» номли ўзига хос бир мажмуани, «юлдузлар китоби»ни босмадан чиқарди. Айтиш мумкинки, бу мажмуа Ўзбекистон ёшларининг мустақилликнинг дастлабки ўн йилида қўлга киритган улкан ютуқлари, муваффақиятларини ёрқин бир кўзгудек акс эттириб турибди. Дарҳақиқат, Истиқлол мевалари аввало ёшларимиз тақдирида ўзини кўрсатмоқда. Спортда дейсизми, илм-фан, маданият, санъат соҳасидами фавқулодда истеъдодли ўғил-қизларимиз етишиб чиқиб халқимиз ғурурига ғурур қўшмоқда, келажагига ишонч уйғотмоқда...

Албатта, ҳар биттамиз довруғли ёшларга ҳавас қиламиз, ўз фарзандимизни ҳам «юлдузлар китоби»да кўришни истаймиз. Аммо, ана шу истагу ҳавас йўлида кўпинча хатога йўл қўямиз... Ана олинг, она кўрдики, қизчасида адабиётга мойиллик бор. Қўлидан китоб тушмайди. Мудом шеър ёдлаб юради. Она кўнглида ҳавас ғимирлаб, қизчасидан шоира чиқишини истаб қолади. Қарайдики, айримлар ҳали бошланғичда ўқиб юрган болаларининг китобларини чиқартирмоқда. Ҳар турли совринлар, «олиб бераяпти!» Хўш, унинг бошқалардан қаери кам?!

Она ҳаракатга тушади.

–Қизим, шеър ёзмайсанми?

–Билмадим. Қўлимдан келмаса керак.

–Нега келмайди? Ўқишларинг "беш"-ку! Шеър ёдлаган шеър ёзолмайдими? Майли, сен борича ёзиб берасан. Қолганини ўзим тўғрилайман. Танишларим бор. Чала-чулпасини тузатиб беришади.

Онанинг шу шаҳди бўлса олти ой, бир йилда айтганига эришади. Яъни қизчасини шоира қилиб, китобчасиниям чиқартириши мумкин. Мукофот масаласининг албатта бу тарзда ҳал бўлишига ишонмайману, аммо китобчаси чиққан қизалоқ синфида, мактабида юлдуз бўлиши, маҳалласида танилиши тайин. Кейин эса ўқитувчилар талабчанлиги сусаяди, баҳолари сунъий кўтарилади, бошқаларга намуна сифатида кўрсата бошлайдилар ва ҳоказо... Оқибати маълум: қизча ўзига бино қўяди. Нафақат бу қизча, балки Худо берган қобилияти билан ҳақиқий довруғ қозонган, совриндор бўлган истеъдодларимиз ҳам аксари атрофда биз катталар яратган шароит, шов-шувлар оқибатида ўзларини йўқотиб қўйишлари ҳеч гап эмас ва шундай бўлмоқда ҳам.

Ҳақиқатдан кўз юммай эътибор қилайлик: болалигида машҳур бўлиб, каттаю кичикни ҳайратга солган қайси бир «юлдуз» қўшиқчимиздан улғайгунича ўз мавқеини сақлаб қололган, биз кутган ҳақиқий санъаткор чиқди?! Бошқа соҳалардачи?.. Мактаб ҳаётини олиб қарайлик. Бошланғич синфларда ўзини кўрсатган, ҳаммага намуна бўлган ўқувчи юқори синфга кўчгани сари ўзгариб боради. Демак, бизда истеъдод тарбияси тўғри йўлга қўйилмаган. Биз ота оналар ё тарбиячилар дарҳол мақтангимиз келади, ёки ўта талабчан бўлиб кетамиз ё бўлмаса боламизга ишониб ўз ҳолига ташлаб қўямиз...

Эс-ҳушли бўлиб дунёга келган боланинг истеъдодсизи бўлмайди. Ҳамма гап унинг қай бир жиҳатдан уқувли эканини вақтида пайқаб олишимизга ва ана шу уқувни, қобилиятни чандон авайлаб-асраб ўстиришимиз, камолга етказишимизга боғлиқ.

Истакларим: бола кўнглини оппоқ дафтар деб билайлик ва унга эзгу битиклар битайлик. Болани гул деб билайлик ва уни кўз тегишидан асрайлик!..

Қолгани унинг ўзига ва, албатта, Яратганнинг иродасига боғлиқ. Шундай эмасми?..

# ПИРУ БАДАВЛАТ ОТАХОНЛАР



*Қарили уй — парили уй*

Таниқли болалар ёзувчиси Ҳаким Назирни кўпчилик яхши билади. Лекин унинг ёнида ўтирган отахонни ҳамма ҳам танимаса керак. Бу нуроний киши матбуотимизнинг, адабиётимизнинг яқин дўсти, таниқли педагог, қолаверса, газетамизнинг фаол муаллифларидан Зайниддин Исамуҳамедовдир.

Ҳ.Назир ва З.Исамуҳамедов бир маҳаллада, бир кўчада катта бўлишган. Иккаласи ёшликдан қалин дўст. Энг асосийси бу дўстлик бугунгача давом этиб келмоқда. Ҳаким ака бу йил 87 ёшга киради, Зайниддин ака эса у кишидан бир ёш кичик. Отахонларнинг иккови ҳам пиру бадавлат инсонлардан: ўнлаб фарзандлари, невaралари, чеваралари бор.

—Шу кунларга етганимизга шукр, — дейди Ҳаким ака. — 2002 йилни Президентимиз Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилгани жуда ажойиб иш бўлди. Мен буни инсонпарварликнинг энг олий намунаси деб биламан. Халқимиз ўзи азалдан катталарни, нуроний отахону онахонларни ардоқлаб келади. Энди кексаларга эътибор яна ҳам ошадиган бўлди. Бу бизни жуда қувонтирди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг барча сонларини ўқиб боряпман. Танқидчилик ҳақидаги баҳсларни, кекса санъаткорлар билан бўлган суҳбатларни маза қилиб ўқидим. Умуман, кекса санъаткорлар, ёзувчилар билан суҳбатларни кўпайтириш керак. Улар тирик тарих, ўтмишимизнинг қора кунлари ҳақидаги анча гаплардан хабардор. Бу гапларни мустақиллик даврида туғилиб ўсаётган ёш авлод ҳам билиб қўйиши керак.

–Узоқ йиллардан буён матбуотда, хусусан, адабиёт газетасида қатнашиб келаман, – дейди Зайниддин Исамуҳамедов. – Ўзим ўқитувчи бўлсам-да, журналистлар, ёзувчилардан дўстларим кўп. Ҳаким ака ҳам дўстим, ҳам устозим. Газетада кичкина хабарим чиқса ҳам қўнғироқ қилиб табриклайдилар. Ўшандай пайтларда жуда кўнглим кўтарилади. Ёш ўтаверса одам болатабиат бўлиб қоларкан. Озгина эътибор ҳам кўнгилни тоғдек кўтаради.

Биз отахонлар билан хайрлашар эканмиз, улар барча газетхонларимизни Янги йил билан табриклашди, юртимизга тинчлик, халқимизга омонлик тилашди. Биз ҳам ўз навбатида икки ижодкорни Янги йил билан қутлаймиз, яна узоқ йиллар сафимизда бўлишларини Яратгандан сўраймиз.

Б.ЭГАМҚУЛОВ

*Қадимшунослик*

# ШАҲАРЛАР ЁШИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Она юртимизда ёши бир неча минг йиллик кўҳна шаҳарлар кўп. Улардаги инсоният маданий тараққиётида бебаҳо аҳамият касб этувчи меъморий ёдгорликлар ЮНЕСКО сингари мўътабар ташкилотлар томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилмоқда. Зеро ер юзидаги ёши икки, уч ва ҳатто тўрт минг йиллик шаҳарлар бармоқ билан санарли. Ўзбекистон заминида эса бундай шаҳарлар кўп. Уларнинг баъзи бирлари давр шамоллари, тарих тақозоси билан ўтмишга айланган бўлса, аксарияти ҳамон ўз кўрку салобати ва шавкати билан бугун ҳам одамларни ҳайратга солиб келмоқда.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига кирган Ўзбекистон шаҳарлари сони яқинда тўрттага етгани ҳам шундан далолат беради. Хивадаги "Ичанқалъа", Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Шаҳрисабздаги Темурийлар меъморий ёдгорликларидан сўнг қадим Самарқанд ҳам шу мўътабар Рўйхатдан ўзининг муносиб ўрнини топди. Қадимий шаҳарларимизнинг жаҳон маънавий тараққиётидаги ўрни муносиб баҳоланаётган айни кунларда мамлакатимизда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига ҳам катта ҳозирлик кўрилаётир. Бундай халқаро миқёсдаги эътибор ва эътирофга арзийдиган тарихий шаҳарларимиз эса бениҳоя кўп. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Тошкент каби қадимда Кеш ва Насаф дея аталиб келган Шаҳрисабз ва Қарши, Косонсой, Қува ва бошқа ўнлаб шаҳарларимиз ҳам ўзининг бой ўтмиши, улуғ тарихи, меъморий обидалари билан юртимизнинг шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихи ниҳоятда қадимийлигидан далолат беради.

Шу муносабат билан яқинда Косонсой шаҳрида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Наманган вилояти ҳамда Наманган шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари иштирокида Косонсой шаҳридаги қадимшунослик обидалари тарихини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Ирисов ушбу анжуманни очар экан, мамлакатимиз мустақиллиги муносабати билан халқимизнинг бой миллий-маданий тарихини, шаҳарсозлик ва давлатчилик анъаналарини, ўрта асрларда жаҳон илм-фани равнақига мислсиз ҳисса қўшган алломаларимиз меросини кенг кўламда ўрганиш имкониятлари вужудга келганлигини, Президентимизнинг бу борадаги хайрли ташаббусларини алоҳида таъкидлаб ўтди. "Олтин мерос" жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, ЎзРФА Археология институти директори Темур Ширинов, қадимшунос олимлар Амриддин Бердимуродов, Боқижон Матбобоев ва бошқалар Фарғона водийси Ўзбекистон тарихининг бир миллион йилгача бўлган кўҳна тарихи ҳақида археологик материалларга бойлиги, бу ҳududдаги шаҳарлар ҳамда илк давлатчилик белгилари уч минг йиллик тарихга эгалиги хусусида фикр юритиб, Андижон вилоятидаги Далварзин шаҳри харобалари Фарғона водийсидаги илк давлатнинг пойтахти деган янги ғояни илгари сурдилар. Шунингдек, олимлар милоддан аввалги Хитой манбаларида тилга олинган Эрши ва Гуйшуань каби пойтахт шаҳарлар Эски Ахси (Ахсикент) ўрнида бўлган деган мунозарали масалага ҳам эътиборни жалб этдилар. Водийдаги кўҳна обидалар давлатчилик ва шаҳарсозлик тарихини аниқлашда, уларни бошқа манбаларга қиёслаб ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Жанубий Фарғонанинг Сўх дарёси ҳавзасидаги ёши тадқиқотчилар томонидан 1,2 млн. йил дея белгиланаётган Селунгир ёдгорлиги топилмалари қадимги тош даври ҳақида, Обишир манбалари эса бундан тўрт-беш минг йиллар бурун яшаган Фарғона водийси одамларининг ҳаёти ҳақида янги маълумотлар берганлиги айтиб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари Косонсойнинг кўҳна қалъалари ва Маҳдуми Аъзам ёдгорлигини зиёрат қилдилар. Анжуманда илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг амалий натижаси сифатида шаҳарда қадимшунослик музейини ташкил этишга қарор қилинди.

# «КИТОБ ДУНЁСИ» – МАЪРИФАТ ДУНЁСИ

*Янги нашр*

Болшевиклар даврида Москвада чиқадиган «Книжное обозрение», «В мире книг» сингари нашрларни ўқиб, ўзимизда ҳам она тилимизда ана шундай газета-журналлар нашр этилишини орзу қилганмиз. Янги — 2002 йил арафасида ўша орзуимиз ушалди — «Китоб дунёси» газетасининг нишона сони китобсеварлар қўлига тегди.




Ўтган йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида «Китоб дунёси» газетасининг тақдимоти бўлди. Маросимни Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очиб, янги нашр олдига қўйилган муҳим вазифалар ҳақида сўзлади.

«Китоб дунёси» мамлакатимиз нашриётларида чоп этилаётган янги китоблар тўғрисидаги маълумотларни китобхонларга ўз вақтида етказиш мақсадида ташкил қилинган. Бу нашр газетхонларни республикамиз китоб бозоридаги янгиликлардан бохабар этиб боради, босилиб чиққан эътиборга молик китобларнинг қисқача мазмуни билан таништиради, мамлакатимиз етакчи нашриётларининг режалари билан ошно қилади, китоб ва китобхонлик муаммоларини кенг ёритади...

Тақдимот маросимида ёзувчи ва журналистлар, маорифчилар, кутубхоначилар, ноширлар, муҳаррирлар ва китобхонлар қатнашдилар.

С.МАҲМУД

# ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ЙЎЛДОШИМИЗ!

**Боши биринчи бетда**

ган тақдирда анархия, яъни бошбошдоқлик юзага чиқади. Дарвоқе, биз буни ён қўшнимиз — Афғонистон мисолида яққол кўрдик. Бу мамлакатда шўролар тажовузли туфайли бошланган ёвуз уруш босқинчилар чиқиб кетгач ҳам узоқ йиллар давом этиб, чинакам анархияни юзага келтирди. Ана шундай оғир ва мураккаб шароитда халқнинг бошини қовуштирадиган, уни эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган сиёсий куч, сиёсий йўлбошчи майдонга чиқмади. Оқибатда бу кўҳна юрт халқаро террорчилик, наркобизнеснинг чинакам уяси ва қурбонига айланди, унинг жафокаш халқи эса, очлик, қашшоқлик, азоб-уқубатга мубтало қилинди. Курраи заминимиз афкор оммасини қаттиқ ташвиш ва таҳликага солаётган террорчилар айни шу Афғонистон тупроғида ўқитиб-ўргатилиб, вояга етказилганлиги бу мамлакат ўзининг буюк ўтмиш хотирасидан айрилганини, айни чоғда ўзининг нурли келажагидан ҳам кўп йилларга жудо бўлганини кўрсатарди. Худога шукрларки, бугунги кунда Афғон тупроғида бундай бошбошдоқликларга чек қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати халқаро терроризмга фақат халқаро миқёсда бирлашибгина курашиш зарурлигини биринчилардан бўлиб эълон қилган ва буни давлат раҳбарларининг олий даражадаги анжуманларида ҳам қайта-қайта таъкидлаб келган. Ривожланган давлатларнинг раҳбарлари ва умуман, дунёнинг етакчи сиёсатчилари бу долзарб масалага ҳамма вақт панжа орасидан қараб келганлари, уларнинг бу аччиқ ҳақиқатни шу йилнинг 11 сентябр куни АҚШда юз берган ёвуз террорчилик ҳаракатларидан кейингина англаб етганлари ачинарли ҳол, албатта.

Яна бир карра алоҳида таъкидлаш жоизки, муқаддас ислом дини номидан қилинаётган, аслида ислом аҳкомларига умуман зид қўпорувчилик, бузғунчилик ишларини жиловлаб қўйишга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Биз афғон халқининг тинч, хотиржам ва фаровон яшашини хоҳлаймиз...

Буюк тарихий ўтмишга, оламшумул маданий ва маънавий қадриятларга эга кўҳна юртимиз, меҳнаткаш ва бунёдкор халқимиз мустақиллик йилларида иқтисод, саноат, ишлаб чиқариш, маданият, маърифат ва маънавият соҳаларида улкан зафарларни қўлга киритганини, сиёсий мустақиллигимизни иқтисодиётнинг аксарият стратегик йўналишларидаги мустақиллик билан йил сайин мустаҳкамлаб бораётганини эндиликда бутун дунё афкор оммаси кўриб-билиб турибди.

2001 йил биз учун қувончли воқеаларга бой, сермаҳсул йил бўлди, деб баралла айта оламиз. Ўтган йили биз энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 10 йиллигини кенг миқёсда нишонладик.

Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимиз чет элларда ҳам тан олинаётир, «ўзбек модели» деган ибора хорижда ҳам оғизга тушди. Бугунги кунда иқтисодиётимизда ўн йил аввал тасаввур этиш ҳам қийин бўлган янги соҳалар пайдо бўлдики, бу жараён тобора ривож топмоқда. Ислоҳотларимиз самарасини бугун яна бир карра ёдга олсак, ундан ғурурлансак арзийди.

Фарзандлари пахта теришу қора меҳнатдан бошқасига ярамайди, деб камситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноати пайдо бўлгани-ю, четга хомашё сифатида ташиб кетилаётган пахтамизни энг замонавий технологиялар асосида ўз мамлакатимизда ўзимиз тўла қайта ишлай бошлаганимиз, иқтисодиётимизнинг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этиб келган Ўзбекистон оғир ва енгил саноат, самолётсозлик, машинасозлик, кончилик, нефт-газни қайта ишлаш бўйича йирик индустриал мамлакатга айланаётганини эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайди.

Буларнинг бари 2002 йилда ва, умуман, яқин келажакда янада юксалишимиз учун пойдевор вазифасини ўтайди, албатта.

Халқимизнинг бундай залворли меҳнат зафарлари ёзувчиларимизни ҳам юксак ғоявий-бадиий савиядаги асарлар ёзишга, замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари образларини яратишга илҳомлантиради, деган умиддамиз.

Камина барча ҳамкасбларимизни Григорий тақвими бўйича кириб келган 2002 йил билан чин қалбдан муборакбод этаман. Илоҳим, бу йил бизга улкан ижодий зафарлар, бахт-саодат, барқарор тинчлик ва мустаҳкам соғлиқ келтир-

# ИЛДИЗЛАРИМИЗ БИР

Улуғ мутафаккирларимиз азал-азалдан ўзбек ва тожик халқини икки тилда сўзлашувчи бир халқ сифатида эътироф этиб келганлар. Бунинг исботини узоқ излаб ўтирмасдан Самарқанд ва Бухоро, Хўжанд ва Панжакент шаҳарларида қад кўтарган қадимий меъморий обидаларни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Зеро, абадиятга даҳлдор бу кўҳна қалъаю аркларни халқларимиз биргаликда қуришган. Юртимизга ёв бостириб келганда унга қарши биргаликда курашганлар, хуллас, уларнинг қувончу ташвишлари, орзу-армонлари биргаликда кечган.

XX аср аввалида тарих майдонига кириб келган Маҳмудхўжа Беҳбудий бошлиқ ойдинлар янги мактаблар очдилар ва уларда ўзбек-тожик тилларида дарс бердилар. Икки тилда дарсликлар ёздилар. Ўша пайтлари Самарқандда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журнали нашр этилди. Мазкур нашрлар Туркистондан ташқари Туркия, Эрон, Кавказ ва Россиянинг турли шаҳарларига тарқатилди.

Бизнинг «Овози Самарқанд» газетамиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги арафасида дунёга келган. Самарқанддан ташқари Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳам газетамизнинг ўз мухлислари бор.

Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари Президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувидан умидимиз катта. Президентларнинг Тожикистон Телерадиоси кўрсатувларини Ўзбекистонга, бизникини эса Тожикистонга узатишни йўлга қўйиш масаласини илгари сурганлари биз журналистларни айниқса қувонтирди.

Ғофиржон МАҲМУДОВ,
«Овози Самарқанд» газетасининг бош муҳаррири

# ПОЙТАХТ МАДҲИ

Янги йил арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида ўтказилган Тошкентга бағишланган энг яхши қўшиқлар танлови якунланди. Шу муносабат билан Бастакорлар уюшмасида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. "Тошкент мадҳияси" (А. Орипов шеъри, Р. Абдуллаев мусиқаси; ижрочи — М. Раззоқова) қўшиғи Ўзбекистон пойтахтига бағишланган энг яхши қўшиқлар танловида биринчи ўринга сазовар бўлди.

"Тошкент оқшоми" (П.Тўраев шеъри, Р. Абдуллаев мусиқаси; ижрочи — F. Ёқубов) қўшиғи иккинчи ҳамда "Тошкентим" (А. Орипов шеъри, Б. Лутфуллаев мусиқаси; ижрочилар — Ш. Исмоилова ва хор) қўшиғи учинчи ўринга муносиб кўрилди. Бастакор Ф. Алимов, шоир Н. Нарзуллаев ва хонанда Ш. Қаюмовлар ҳамкорликда яратган "Тошкент оқшомлари" қўшиғи рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. Танлов ғолибларини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова кутлади ва янги ижодий ютуқлар тилади.

# МУҚОВАДАГИ СУРАТ

*Янги йил сўзи*

Академик шоир Ғафур Ғуломнинг икки сатри ёшлигимдан қулоғимга қўрғошиндек қуюлиб қолган:

**Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,**
**Билиб қўйки, сени Ватан кутади.**

Бу сатрларни фақат мен эмас, синфимиздаги барча болалар ёддан биларди. Ҳатто энг ёмон ўқийдиган, шеър ёдлаш у ёқда турсин, ўқишни қойиллатмайдиган синфдошларим ҳам. Сабаби бу икки сатр ўша пайтдаги дафтарлар муқовасида шоир суратининг тагида турарди. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми ҳар куни дарсда ҳам, уйда ҳам дафтарни қўлимизга олишимиз билан кўзимиз шу сатрларга тушарди. Ва беихтиёр ўқишга мажбур бўлардик.

"Чилонзор" метро бекатининг устида жуда кўп ўқув қуроллари сотадиган дўконлар бор. Яқинда шу дўконларнинг биридан дафтар сотиб олмоқчи бўлдим. Ажабо, дафтар жуда кўп. Лекин ҳаммасининг муқовасига эстрада хонандаларининг суратлари босилган.

Тўғриси, бу манзарани кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Нима бу? Реклама-ми? Хонандаларимиз реклама учун энди ўқувчиларнинг дафтарлари муқовасини танлашдими? Тўғри, бу, дафтар ишлаб чиқарувчиларнинг иши бўлиши мумкин. Лекин, менимча, дафтар сифатли ва арзон бўлса рекламасиз ҳам сотиладиган товар. Эстрада хонандаларимиз ҳам бундай рекламага муҳтож эмаслар. Шундай ҳам уларни ёшларимиз севиб тинглашади.

Мен юқорида Ғ.Ғуломнинг икки сатри ҳақидаги мисолни бекорга келтирмадим. Яратганга минг қатла шукрки, истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз тикланди, ўтмишда ўтган буюк аждодларимиз меросини ўргана бошладик. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби даҳоларимиз номини бугун ёшу қари яхши билади. Дафтарларимиз муқовасида шу улуғ инсонларнинг суратлари ва улар ҳақида қисқача маълумотлар бўлганда нур устига нур бўларди. Бундан эстрада хонандаларимиз ҳам хафа бўлишмайди. Мен янги йилда шу истагим амалга ошишини жуда-жуда хоҳлардим.

Б.БОБОЁРОВ

Йил — инсон учун бир сарҳад. Бу масофани босиб ўтиш олдидан киши ўз олдига муайян мақсадларни қўяди, орзу-умидларига ижобат излайди. Кимдир пул, кимдир гул ишқи билан ойни ойга, йилни йилга улайди.

Қадимдан шу: ҳар ким экканини ўради. Ва йил охирида ўзича сарҳисоб қилади. Янги йил бошида туриб, яна режалар тузади.

Ўтган йили ажойиб шоир Матназар Абдулҳаким учун самарали келди. У кўплаб дилбар шеърлар ёзди. Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Бедил сингари мутафаккир шоирлардан гўзал таржималар қилди. “Офарин” мукофоти совриндори бўлди.

Бугун шоирнинг янги шеърларини Янги йил байрами совғаси сифатида армуғон этмоқдамиз. Янги йил ҳаммамизга бахт келтирсин.

НАЗМ БЎЛИМИ



Матназар АБДУЛҲАКИМ

## СЕВДИМ. БУ МУҲАББАТ ҲАЛИ КАМ

***

Ёғишинг кам эмас эди ҳайитдан,
Минг мўъжиза эдинг, минг бир тантана.
Бу гал... руҳ қоронғу, дил хира пайтда
Илк бор ёғмоқдасан бўралаб, мана.

Дил ойнаси чил-чил дард деган сангдан,
Борлиғим чекмоқда зирқираб заҳмат.
Шундай бир мажҳул пайт ёғаётсанг-да,
Барибир бор бўл, қор, барибир... раҳмат!

***

Заъфарон тасвирдан энтикар диллар,
Бу ҳам бир тақдирдир, бу ҳам бир қазо.
Шоҳлар оҳлар чекиб қолавердилар,
Ер билан бир бўлиб тўшалди хазон.

Бошқа дардлар бу дард қошида дардмас,
Тиниб қолмиш минг-минг яшил фаввора...
Шохимас, баргида юрмоқ-чун шартмас
Дарахтга тирмашиб бўлмоқ овора.

ХАЁЛИМДА ЧАҚНАР ЧАҚИНЛАР
Туркум

Кўнглинг осмон каби кенг бўлса,
Юрак чақнар бамисли чақин.
Ҳаёт билан ўлим ораси
Чақин янглиғ келади яқин.

Юрагингта қул бўл — у телба,
Ақлингга султон бўл — у соғроқ.
Ҳаёт кечир, не бўлганда ҳам,
Сен ўзингдан ўзинг узоқроқ.

***

Ҳурматим кўп баланд сенга, қиш,
Сендан бошқа фасллар хато.
Оппоқ, момиқ меҳрингта олқиш,
Менинг қадрдоним, қаҳратон.

Қаҳрингта ҳеч йўқдир эътироз,
Изиллайсан менсиз қисиниб.
Фақат... сиртда кутиб тур бироз,
Баҳоргача олай исиниб.

***

Курашади нур билан зулмат,
Руҳиятингнинг аҳволи шу.
Қарғишлардан на бир толишар,
Олишмас тин. Тинмас олишув.

Бу тўқнашув билса танаффус,
Вужудинг лош, вужудинг жасад.
Чекмас ҳеч вақт бахт бахтдан афсус,
Қилар нурга зулумот ҳасад.

Ёвузликлар эмас тим қаро,
Эзгуликлар доғсиз оймаслар.
Бир-бирига иғво, можаро,
Фисқу фужурлардан тоймаслар.

Эзгуликларнинг фариштаси,
Ёвузликларнинг шайтонисан.
Ёмонликлар, яхшиликларнинг
Даҳшатли бир жанг майдонисан.

***

Қиш. Тун. Кўча совуқ. Қорним оч.
Изғирин еб жунжиккан руҳим.
Хотин чақди кунжут мойига
Олтитами - еттита тухум.

Унут бўлди совуқ. Хушбўй ҳид
Аста таралмоқда ҳаводан.
Ботган қуёш бир тўда бўлиб
Ҳозир чиқиб келар товадан.

***

Нафсингни тий. Сев. Ён ловуллаб.
Муҳаббатсиз одаммас одам.
Ошқозонинг тупроқдан чиққан,
Юрагинг, бил, тушган самодан.

Севгилингни ардоқла доим,
Эркалардан бўлсин у эрка.
Ишонмагил уни осмонга,
Ишонмагил сен уни ерга.

Қаттиқ қизған. Рашк қил... агарчи
Қилурман мен бир сирни аён.
Сени бўғар илондир бир рашк,
Рашкинг сени чақар минг чаён.

Гарчи сўнгра бўлади бекор
Васвасадан ақл ҳам, дил ҳам,
Яшайсан сўнг, гарчи, бир умр
Бир илон ва минг чаён билан.

***

*Замахшарий ўгити*

Сен бу қадар бийрон бўлмасанг,
Сен бўлмасанг бу қадар чечан.
Айтган сўзинг жуда жарангдор,
Овоз чиқмас ишингдан ҳеч ҳам.

Мажбур бўлган тақдирдагина
Сўзингта, дўст, очгил аранг лаб...
Ишинг бўлса гулдираб турсин,
Ишинг бўлса турсин жаранглаб!

***

*Замахшарий таънаси*

Уял, ахир. Сен — осмон. Биз — ер,
Бераверма бунчалик малол.
Айтган гапингнинг устидан чиқ,
Лафзинг бўлсин ҳамиша ҳалол.

Бир титрадинг, борлиқ ёришди,
Хабар бердинг нурли, ялтироқ...
Гулдурадинг. Ёғмади ёмғир.
Ҳей... алдоқчи момоқалдироқ.

Бу гулзорни ўзим яратдим,
Бу чаман деб терлар тўкдим мен.
Ер ҳайдай деб ғоҳ қўшдим қўшлар,
Гоҳ чел[1] чекдим, экин экдим мен.

Гарчи бўлмас бу гулистонсиз
Ёруғ олам зимистон сизга,
Бу чаман бир беғараз туҳфа,
Холис тортиқ бу бўстон сизга.

Гарчи уқувсизроқ гулчиман,
Нуқсонларим гарчи бир талай...
Бироқ... келганим йўқ дунёга
Капалак тутмоққа, ҳарқалай...

***

Мен бугун кетаман, алиф қаддим дол,
Барча ёмғирларинг, осмон, ерга қуй.
Фақат сен ғам чекма, фақат сен хуш қол,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Ҳар бир деразангда чақнар бир қуёш,
Ҳар сафҳангда бир бахт кўрсатади бўй.
Сен қутлуғ бир шодлик, мўътабар кўз ёш,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Сен туфайли умрим пок бир мутолаа,
Дардларим шарҳлари сўзга сиғмас ўй.
Тошларни эриттан оташин нолам,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Вайрон юрагимнинг муҳташам шони,
Ўкранган бир наво, титранган бир куй,
Сенда қолар ҳар гал жонимнинг жони,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Қароқларга қалқар қон бўлиб бағир,
Не бахт, не кулфат ишқ, сўрамаёқ қўй.
Кимга не ёмонлик қилгандим, ахир,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Ҳар дилни ўзга бир ўтда қовурар,
Ким у деган “Севги кўпга келган тўй”?...
Ҳижрон шамоллари мени совурар,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Тола сочига ҳам бермайлик озор,
Майлига, мен ёнай, майлига, сен куй.
Муҳаббатсиз не-не қасрлар мозор,
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй...

***

Шунқорим деб алқаб, сен келдинг ғолиб,
Севдим. Бу муҳаббат ҳали кам.
Лекин... мени ҳеч вақт шикорга олиб
Чиқолмайсан, сайёд маликам.

Ҳатто сенга тутқун бўлмоқ кўп оғир
Фалакка юксалмоқ замони.
Жудо қилиш сира мумкинми, ахир,
Самодан мени ва мендан самони.

Осмон абадийдир, ошён муваққат,
Озодлик шарафим, эркинлик шоним.
Қўлингта эмас, йўқ, “гаҳ” десанг, фақат
Юрагингта қўниб ўтаман, жоним.

1 Чел - марза (хоразмча). — муаллиф.

# ИНСОН ҚАДРИ

*Яқиндагина, бундан 40-45 йил бурун нозиккина жуссали Ботир Зокиров ёнида синглиси Луизахон ва бир неча «мусиқий қуролдош»лари билан умумхалқ байрами кунлари Тошкентнинг Навоий кўчасидаги ҳашаматли биноларнинг зинапояларини саҳна қилиб, концерт бериб юрарди. Биз ўша кунларни кейинчалик фарзандларимизга ҳикоя қилганмиз. Йиллар ўтгани сари заминдаги минерал моддалар марварид ёки олмосга айланганидек, ҳаётдаги энг гўзал лаҳзалар ҳам тимсолга айланиб борар экан. Шунинг учун бўлса керак, доим қушдек енгил қанот қоққан Ботир Зокиров ёшликнинг ўша оддий зиналаридан Тошкент давлат мусиқали комедия (Оперетта) театрининг шинам саҳнасига енгил, қийналмай кўчиб ўтди. Қаҳрамон бўлиб. Тимсол сифатида. «Арабча танго» спектаклида.*

*Биз бу воқеанинг мағзини чақишга ҳали улгурмай туриб, Ўзбек Миллий академик драма театри ўзининг «Усмон Носир» спектаклини намойиш этди. Янги йил арафасида бу санъат даргоҳи остонаси шоирнинг ёш мухлислари билан ғоят гавжум бўлди. Уларнинг орасида менинг невараларим ҳам бор эди.*

*Бу икки спектаклни ҳам ўзига яраша тимсол деса бўлади: давримиз ўз қаҳрамонларини, фақат хаёлда эмас, ҳаётнинг ўзида туғилган қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқаётир, улар ҳақида ҳалол фикрини айтаётир драматургларимиз тили билан. Мен бунинг учун «Усмон Носир»нинг муаллифи Нодира Рашидовага, «Арабча танго»нинг ижодкорлари – Микоэл Хачатуров ва Сухроб Муҳамедовга чин дилдан қуллуқ қиламан.*

*Қувонарлиси шундаки, бу асарлар халққа тақдим этилаётган кунлари Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида улуғ санъаткорларимиз – Сора Эшонтўраева ҳамда Наби Раҳимовга, Киночилар маскани саҳнасида ёрқин юлдузимиз Тўғон Режаматовга бағишланган ижодий кечалар бўлиб ўтдики, уларнинг тафти юқорида айтилган спектаклларимизникидан асло кам эмасди ва , айни вақтда, инсон хотираси ва меҳнатини қадрлаш ҳаётимизда одатий тус олаётгани учун кўнгилда қувонч уйғотади.*



*Қаламкаш меҳнати – ижодий изланиш деган гап. Бизда соз асарлар кўп. Изланишлар йўлида рост асарлар тобора кўпайиб бораётир. Мен тилга кўп олинавермагувчи асарлардан баъзиларини йил бошида яна бир бор эслаб ўтгим келаётир. Бундан беш йилча аввал дўстим Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар"ини энтикиб-энтикиб ўқигандим. Кейинроқ Раҳимжон Отаевнинг "Элчи"си ҳаётий ҳақиқатга интилиши, турмуш ва тимсол уйғунлиги билан мени тўлқинлантирди. Ўзимни худди шу икки асарнинг ичида айланиб юргандек ҳис этдим. Омон Мухторнинг қарийб чорак асрдан бери олиб бораётган изланишлари эса фақат бугун учун эмас, эртанги насримизда ҳам янги қўриқлар очилишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Чунки адабий кашфиётнинг акс-садоси узоқларга етиб боради.*

*Ҳозир адабиёт дарвозасини жуда кўп ёшлар қоқиб турибди. Мен фақат газета-журнал варақлаганда эслаб қолганларимни айтадиган бўлсам, масалан, Ғулом Мирзо, Гавҳар Ибодуллаева, Сафар Оллоёр, Олимжон Ўсар, Икром Искандар, Насрулло, Олим Бекназар, ҳе-ҳе, уларни санаб охирига етиш қийин... Янги йил уларга янги илҳом ва тажриба келтиради, деб умид қиламан. Чунки аср бошининг ЯНГИ ШЕЪРИЯТ, ЯНГИ НАСР, ЯНГИ ДРАМАТУРГИЯсини яратишдек мураккаб вазифа уларнинг ҳам зиммасида турибди. Бунинг учун эса улкан илҳом, фидойилик ва жасорат керак!*

**Ҳусниддин ШАРИПОВ,**
**шоир**

*Янги йил сўзи*

# ШАФАҚЛАР ОРТИДА ҚОЛГАН ЙИЛ



Умр ўзининг рангин лаҳзалари билан ардоқлидир.

Байрамлар эса умримизнинг ана шундай рангин лаҳзаларидан.

Мана, яна бир йил аста-секин мозий уфқига бош қўйди. Шафақлар ортида қолган йил.

Мен сенинг энди ҳеч қачон қайтарилмайдиган лаҳзаларингдан нималарни топдиму, нималарни бой бердим...

Буёғи энди янги йил. Ҳаммаси тамомила янгича бўлади.

Умрим китобида яна янги бир саҳифа очилди. Бугун ўша янги саҳифани очгунга қадар бир лаҳза тин олмоқ, ўқиб бўлинган саҳифанинг мазмунини кўнгил элагидан бир-бир ўтказмоқ илинжида СЎЗ айтмоққа чоғландим...

Сўзлаётган одам эса гоҳида бир ёқлама фикр юритиши ҳам мумкин. Қолаверса ҳар бир юракнинг ўз фалсафаси, ўз ҳақиқатлари ва яна фақат ўзигагина хос бўлган фикрлари бўлади. Инсоннинг фитратида сўз ва унинг илоҳий қудратига нисбатан буюк бир эҳтиром бўлмас экан, унинг сўз айтмоққа чоғланмагани маъқул аслида. Чунки сўз илоҳий эҳтиёждир.

Шу ўринда ушбу эҳтиёжга ўзининг майда-чуйда манфаатларини юклашга уринаётганларга шоирнинг ушбу шеъри орқали айтадиган бир сўзим бор эди:

**Сўзларни қайрайлик, обдон тоблайлик-**
**Токим:**
**Ўзбекнинг қоракўз болаларига битта дунё**
**қолсин ҳайратлик.**

Ушбу шиддатли эътирофларга биз-да қулоқ тутайлик ва... Келинг, дўстларим:

**Сўзларни қайрайлик, обдон тоблайлик.**

Мен умримнинг мана шу мозийга ўтиб кетган йигирманчи йилидан ҳаёт сабоғини олгандекман назаримда. Мен бунинг учун авваламбор азиз устозим, гўзал инсон, кўплаб иқтидорли қаламкашларнинг заҳматкаш мураббийси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети декани Сайди Умировдан беҳад миннатдорман.

**Азал наққошлари сийимлаган тан,**
**Фитратим зар бўлса қисматим заргар.**
**Севмасимдан аввал Мажнун эдим ман**
**Севганимдан кейин бўлдим Санобар.**
**Менгача бор сўзлар айтиб бўлинди,**
**Бор шеърлар айтилди то менга қадар.**
**Ҳамма бир-бир ўтар бу сўззорлардан-**
**Фақат сўз қолажак ложарам дилбар.**
**Тангрим сўздан баланд ниманг бор яна**
**Бўлса қонатиб ёз пешоналарга.**

**Мани Машраб янглиғ девона қилғил –**
**Бошим уриб ўтай остоналарга...**
**Дилим тўла бир дилдор хаёл,**
**Дилсизларга қасд қиладирман.**
**Бир кўрсатиб кўнглим жамолин**
**Еру кўкни маст қиладирман.**

Мен ушбу гўзал фурсатдан фойдаланиб, Сўзни тақдир янглиғ азиз билиб, кўнгил ибодатига чоғланаётган жамики тенгдошларимни, ўзларининг гўзал ва бетакрор асарлари билан кўнглимизни файзи футуҳга тўлдирган устозларимни кириб келаётган 2002 йил билан чин кўнглимдан табриклайман.

Муқаддас ва мўътабар, инсониятнинг ибтидосидан-да қадимий ва навқирон сўз бизни ҳамиша бирлаштириб турсин.

**Санобар МЕҲМОНОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети талабаси**

# МАКТАБДА УЧРАШУВ

Яқинда пойтахтимиздаги 143-ўрта мактабда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов билан ижодий учрашув бўлди. Айтиш жоизки, ушбу учрашув самимийлиги ва ёшлар тарбиясига хослиги билан ўзига хос хусусиятлар касб этди.

Учрашувда мактаб ўқувчилари ҳам, ота-оналар ва ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этишди. Улар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан атоқли шоирга мурожаат этишди. Савол-жавоблар ўзаро дўстона мулоқот асосида кечди. Шу боисдан даврада нотиқнинг дил сўзларига гоҳ хайрихоҳлик ҳисси ҳукм сурди.

Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётига дахлдор савол-жавоблар ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. «Ҳар қайси ёшнинг ўзининг қувончу ташвишлари бўлади, — деди Абдулла Орипов ота-оналар саволларига муносабат билдирар экан, — Биз ёшлардан фалсафа эмас, ўзларига яраша ҳис-туйғу кутишимиз керак. Халқимиз – қайнар булоқ. Жуда кучли билимли болалар бор. Уларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Ўзидан кейин «нарвонни олиб қўядиган» одамларни устоз деб бўлмайди.»

Мазкур маърифат масканида ҳам кўплаб олимлар, адиблар ва бошқа илм-фан намоёндалари етишиб чиққан. Таниқли фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов ҳам шу даргоҳда таҳсил олган. Учрашувда мактаб аҳли шу хусусда ҳам тўлқинланиб гапиришди. Ва атоқли шоирдан шогирди ҳақида қандай фикрдалигини сўрашди. «Ҳожиакбар яхши ижодкор – фантаст-ёзувчи. Қўлидан келганича одамларга яхшилик қилишга ҳаракат қилади», — деди Абдулла Орипов ва унга аталган, илгари матбуотда эълон қилинган шеърини ўқиб берди. Бу ҳол даврага янада дилкаш сурур бахш этди. Ўз навбатида Ҳожиакбар Шайхов ҳам бу шеърга жавобан ёзган шеърини ўқиб берди. Учрашув шу тарзда самимий руҳда ўтди ва йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**С.ОЛЛОЁРОВ**

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# САРҲИСОБ

*ҚАТРАЛАР*



Ўтган йили нималар қилолдик, деб қалбан ўз-ўзимизга савол бермоқлик табиий бир ҳол; ўтган йилда озод Ўзбекистонимизнинг ўн йиллик тўйини ўтказдик, буни биз асрлар бўйи кутган эдик. Олий Мажлис келгуси йил бюжетини тасдиқлади, мамлакатимиз тараққиётга юз тутди – буни оддий сўз билан ифодалаб бўлмайди, кўламли ва умрбоқий асарлар яратиш даври етиб келди. Ўзбек ўзлигини таниди. Қилинган ишларимизни қўл билан санаб бўлмайди, компютерлар терлаб ҳисоб-китоб қилиши мумкин.

Иккиламчи, мамлакатимиз бахту саодатини омон сақлашда хушёру огоҳлик сабоғини олдик. Жаҳондаги бошқа давлатлар сафида туриб қора кучлар – ёвуз қароқчиларга–терроризмга қарши кескин ва адолатли жанг бошладик. Қўрқув солиб келган заҳарли илонлар Усама бин Лодинларга сичқоннинг ини минг танга бўлди, унинг атрофидаги ғимирлаган чаёнлар оташкурак билан қисилиб, хокандозга ташланди. Дунёмиз покланишга юз тутди.

### БЕШ ФАЗИЛАТ

Олтину гавҳар занглamaслиги ва ҳеч қачон айнимаслиги билан ноёбу қимматбаҳодир. Садоқат, қаноат, матонат, адолат ва итоат каби фазилатлар ўзбек халқи қалбидаги ноёб гавҳарлардирки, барча ютуқларимизнинг сабабкори шу. Халқимизни ёмон кўзлардан Тангрим ўз паноҳида асрасин, беш фазилат ҳамма вақт унинг қалбида бўлсин.

### ОТАХОНЛАР, ОНАХОНЛАР ҚАДРИ

Конституция байрами тантаналарида ҳурматли Президентимиз келгуси 2002 йилни – Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилдилар. Бу меҳрибонлик қарори бир байрамимизни уч баробар улуғ қилди, юраклар шодликдан барқ урди, умрга умр қўшилди.

Ёшларимиз юрагида аввало ота-онага, бобога, момога, бошқа мўйсафид кексаларга ҳурмату эҳтиром барқ уриб турганидан бениҳоя хурсандмиз. «Бу мўйсафид кишини танимайман, шу сабабли салом берганим йўқ» деган гап бизнинг ёш авлоднинг тилидан чиқмайди. Қария-нуронийларни ҳурмат қилган фарзанд камида тўқсон тўққиз ёшга боради, Аллоҳнинг марҳаматидан четда қолмайди. Кексаларнинг дуоси Аллоҳга ёқади, кексалар дуоси – мўъжиза! Тўқсон тўққиз ёшдан ошаман деганлар кексаларни ҳурмат қилсин, қадрласин.

### БАҒРИКЕНГЛИК

«Сен етим эмассан!» ва бошқа кўплаб ўлмас асарларнинг муаллифи буюк устозимиз Ғафур Ғулом энг оғир уруш йилларида катта саховат кўрсатган устоз эдилар. Биринчи бўлиб «Ҳазрати инсон» мақоласини ёзган доно қалам соҳиби эдилар. Етимпарвар Шоаҳмад ака ва Баҳри опалар ўн олтита болани боқиб тарбиялашган эди. Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам Ғарбдан келган қанчадан-қанча етимларни ўз бағрига олган оилалар беҳисоб. Чунки ўзбекнинг ўзбеклиги шунда – битта нонини эмас, бир бурда нонни ҳам бўлиб ейди.

Лекин, минг афсус, ноябр ойида Россия телевидениесида «Тош оила» деган бўҳтондан иборат телефилм кўрсатилиб, ўзбекларнинг саховатига, бағрикенглигига туҳмат қилдилар – тузлуқни унутдилар. Олга деган бир жувон (фамилиясини эслаб қолиб бўлмади) ўз гуруҳи билан бўҳтонни ёзибди. Раҳмат Файзийнинг шу мавзудаги романи, Шуҳрат Аббосовнинг шу асар асосидаги филмини билмасмидилар? Бундай ичиқоралик юрагимизга ниш уриш уларга нега керак бўлиб қолди? Жириновский, Познер, Левашев... каби шахслар туҳмат, нифоқ қўзғашдан ўзларини тия олмаганлари ачинарли. Ноябрда юзга яқин мухбирлар Термизга бориб, ўшалар қилган туҳмату васвасаларнинг таги пуч эканини ўз кўзлари билан кўриб келдилар.Осмонимиз мусаффо, шу осмондай ўзбекнинг бағри кенгдир, асабу иродаси метиндек мустаҳкамдир.

### ИШОНЧ

Руҳ йўқ, фақат жисмимиз бор, деб етмиш йил «ўргатдилар», чалғиб келдик. Руҳ бор, муҳаббат бор, жисмимиз ҳам бор. Муқаддас Қурьони Каримда, Бақара сурасида, сен қаёққа боқма— Аллоҳ жамолини кўрасан, деб марҳамат қилинган. Борлиқ ғоятда гўзал ва абадийдир. Бобокалонларимиз, ота-онларимиз руҳи-поки бизни қўллаб-қувватлаб келаётганига ишонамиз, кўриб-сезиб келмоқдамиз. Бу ишонч бизларга узоқ умр ва бахт бераётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас, бу – мўъжиза!

### КУЛБА

Шаҳримизда барча қулайликларга эга бўлган гўзал уйлар, икки-уч қаватли кошоналар кўп. Дарвозасини хусайни узум сўриси ёпиб турган ҳовлилар ҳам тўлиб ётибди. Улар атрофида амирлашкар Алимқулибек, Юнусхонлар замонидан қолиб келаётган бўғотли том, икки устунли пешайвонлик қадимий кулбалар ҳам бор; уларга ҳам иссиқ, совуқ сув, газ келадиган қувурлар ўтган, электр, телевидение, телефон тармоқлари киритилган.

Кўп қаватли уйни хоҳламаган, тўқсонларни қоралаган Розия буви, синган дераза ойнасига шалдироқ қоғозларни ёпиштирганича, ҳозирги кунларда ҳам яшамоқдалар. Бу кулба 1934 йил қаҳатчилигини, 1937 йил қатлиомини, 1941 йил Иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирди, 1966 йили зилзилани ҳам бошидан кечирди, деворидан бирон гувала тушмади, шипдаги тоқилар ҳам ўз жойида турибди. Шундай кулбалардан бирида Шайхонтаҳур яқинида телевидение биноси минораси қурилди, Самарқанд дарвоза яқинида «Ўткан кунлар» романи ёзилди, Ҳасти Имом маҳалласида эшон Бобохон ҳазратлари атеист бўрилардан Исломни ҳимоя қилдилар, Қўқондаги бир кулбада академик Қори-Ниёзий, Тошкентдаги бир кулбада Аброр Ҳидоятов, яна бир кулбада академик Ҳамдам Усмонов ва яна бир кулбада академик Ҳалимхўжа Усмонхўжаевлар дунёга келди...

Кулбага ўт кетганда, қаҳатчиликда, қатлиомда на Розия буви ва на академиклар чет элга қочишди. Бугун озод Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, тараққиёт гулшани барқ урди. Ўзбек ўз кулбасини ташламас, аламдан кўзларини ёшламас.

### БАНГИЛИК – АЖАЛНИНГ УРУҒИ

Шайтон васвасасига учган бангилар бахтсиз кимсалардир, оқибатда ҳайвоний ҳирсга берилиб, ажал дарди – СПИДга мубтало бўлмоқдалар.

Қайт бу йўлдан, укажон!!!

«Фарзанд буюрса бола, буюрмаса — бало» бўлиб қолма!

### «БОРИГА БАРАКА!»

Савдо-сотиқ ишлари Шаркда ғоятда азалийдир. Буюк Ипак йўли бунга исботу далил. Бир оғиз ширин сўзу такаллуф савдони кучайтириб, молни харидоргир этади. «Борига барака!»да ҳикмат кўп. Баъзан дўконлар тахтаси ёнида тўмшайиб туриб харидорга қўрслик, кўполлик қилаётганлар бор, бу мустамлака давридан қолган иллат эканини улар унутмасликлари зарур.

Яхши муомала савдо аҳлига омад келтиради, харидорни кўпайтиради. Қўполлик – коъфар гуноҳ!

### ИБЛИСИ СОНИЙ

Арши Аълодан қувилган Иблис курраи заминда туну кун изғиб юради, инсониятга ёмонлик қилади. Жаҳон халқлари таъқибига учраган иккинчи Иблис ҳам пайдо бўлди; У ҳам инсониятга, тараққиётга тажовузни ўйлайди – иморатларни қулатиб, одамларнинг қонини тўкади. Унинг номи – Усама бин Лодин, бу шайтон, яқин кунларда темир панжаралар ичида ўтириб, халқаро суд олдида жавоб беради!!!

# БАХШИ-ШОИРЛАР ДЎСТИ



Ўзбек фолклоршунослик фани оғир жудоликка учради. Таниқли олим, Ўзбекистон фан арбоби, фолклоршунослик ва асотиршунослик соҳасида юзлаб илмий мақолалар битган, ўнлаб ўзбек халқ достонлари, эртак ва афсоналарининг ёзиб олувчиси ва тўпловчиси, "Навоийшунослар жасорати", "Алпомишнома", "Китоб қадри", "Ўзбек фантастик эртаклари", "Фолклор ва халқ педагогикаси", "Ўзбек фолклорлари" каби бир қанча тўпламлар, монография ва илмий-оммабоп рисолалар муаллифи, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов оғир касалликдан сўнг бевақт оламдан кўз юмди.

М.Муродов республикамизда фолклоршунослик ва асотиршунослик фанига салмоқли ҳисса қўшган, бир неча ўн йил мобайнида юртимизнинг олис тоғу даштлари ва шаҳар-қишлоқларини кезиб, бамисоли уммон остидаги марварид ва дуру жавоҳирларни терувчи ғаввос янглиғ халқимизнинг буюк маънавий бойликларини бирма-бир излаб топиб, ёзиб олиб, уларни китоб ҳолида яна халқимизга қайтарган ҳассос ва меҳнаткаш олим эди. Бу ўлмас асарлар бугунги кунда мустақил юртимизнинг ҳар бир кутубхонаси ва қарийб ҳар бир хонадонидан муносиб ўрнини эгаллаган.

Кўп йиллик ижоди мобайнида Малик Муродов «Китоб қадри», «Ўзбек фантастик эртаклари», «Фолклор ва халқ педагогикаси», «Алпомишнома», Туркияда босилган «Ўзбек фолклори» каби китоб ва рисолалари билан халқ оғзаки ижоди тадқиқига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Улкан олим, заҳматкаш адиб, садоқатли дўстимиз Малик Муродовнинг ёрқин хотираси қалбимизда бир умрга яшаб қолади.

**БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ**

# МИЛЛИЙ ЭСТРАДА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**Аҳмаджон РАҲИМОВ, санъатшунос**

Миллий эстрада санъатимиз қисқа муддат ичида салмоқли йўлни босиб ўтиб, умумжаҳон эстрада санъатида ўз ўрнини топиб бормоқда. Шу ўринда, биз ўзбек миллий эстрада санъатига асос солган устоз хонанда Ботир Зокировни ёдга олишимиз лозим. Албатта, Б.Зокиров билан ёнма-ён туриб, миллий эстрада санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган Юнус Тўраев, Стахан Раҳимов, Раъно Шарипова, Баҳром Мавлоновни ҳам унутмаслигимиз керак. Шуни таъкидлаш лозимки, 1960-йиллари Оврупо эстрада санъати ўта енгил, маишатбозлик йўлига кириб, ёшларнинг ички оламини бузаётган бир пайтда, айнан ўзбек эстрада санъати бу соҳадаги паст савия талабларига чек қўйди. Ўзбек эстрада санъати ўша тарихий даврда жаҳон эстрада санъатига маънавий гўзаллик, тоза ҳаво олиб кирди.

Таниқли санъат арбоби, француз импрессионисти Артур Хеллер ўша йиллари Ботир Зокиров билан бўлиб ўтган суҳбатда шундай деган эди:

«Сизнинг парвозингиз юксак. Сиз— ҳодисасиз. Саҳнада чинакам ҳаёт яратасиз. Сизни бошқа машҳур санъаткорлар билан тенглаштириб бўлмайди. Сиз жаҳон эстрада санъатига тоза ҳаво олиб кирдингиз...»

Бу гаплар ўша пайтда нафақат Б.Зокиров ижодига, балки ўзбек эстрада санъатига берилган баҳо эди. Ўша йилларда ўзбек эстрада санъатининг ютуқлари тан олинди. Миллий эстрадамиз босқичма-босқич ривожланиб борди, йиллар давомида унга янги овозлар, янги жамоалар кириб келди. Ботир Зокиров анъаналарини Фаррух Зокиров, «Ялла» гуруҳи, Мансур Тошматов, Насиба Абдуллаева, Қозим Қаюмов, Кумуш Раззоқова, «Садо», «Наво» ва «Қарс» гуруҳлари давом эттиришди. Улар нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ўзбек халқининг маданий анъаналарини, урф-одатларини, мусиқа ва қўшиқчилик санъатини, умумжаҳон эстрада санъат ютуқларидан ажралмаган ҳолда тараннум этдилар.

90-йиллар бошида эса ўзининг ноёб ва дардли овози билан Юлдуз Усмонова пайдо бўлди. У энди-энди пайдо бўлаётган эстрада гуруҳлари ва якка хонандаларни ҳайратга солди. Афсуски, кўпгина ёш эстрада хонандалари Ю.Усмонова сазовор бўлган олқишлар асосида уйқусиз тунлар, тинимсиз меҳнат ва изланишлар борлигига кўпда аҳамият бермадилар. Шу аснода балоғат ёшига тўлмаган ўғил-қизларимизни «Ал-Вакил»-га ўхшаган гуруҳлар ва якка ижрочилар ўраб олдилар. Натижада маънисиз, бир кунлик қўшиқлар ҳам пайдо бўлди. Савияси паст гуруҳ ва хонандаларнинг кўпайишига марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуф ибораси билан айтганда, «айрим шоирчалар» ҳам сабабчи бўлишди. Уларга саводсиз бастакор ва оранжировкачилар жўр бўлдилар. Ўша даврда концерт фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган эди. Улар концерт тадбирларининг ғоявий ва маънавий йўналишига кўпам эътибор бермасдан, фақат ёшларнинг кайфиятини кўтарувчи, шўх, енгил-елпи қўшиқлар билан чегараланиб қолган эдилар. Телевидение ҳам ўша даврда озми-кўпми бу камчиликларнинг оммалашувига сабабчи бўлди.

1996 йили Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами таъсис этилди. Олти йил давомида ўнлаб ажойиб қўшиқлар яратилди, истеъдодли хонандалар кашф этилди. Бугун Севара Назархон, Нилуфар Раҳматова, Илҳом Фармонов, Иззат Иброҳимов, Дилфуза Раҳимова, Лариса Москалёва, Озода Нурсаидова ижро этаётган қўшиқлар ўзбек миллий эстрада санъатини янада бойитди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, санъат соҳасида ҳам «курмаклар» бўлар экан. Уларни тозалаш осон иш эмас, улар вақти-вақти билан пайдо бўлаверади. Шунинг учун ҳам 2001 йилнинг июн ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ҳукуматимиз томонидан вақтида қабул қилинган амалий чора-тадбир бўлди. Ушбу қарор билан ўзбек миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, ёш эстрада хонандаларига ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, алоҳида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тузилди. Янги тузилган эстрада бирлашмасининг зиммасига бу соҳада мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этиш, эстрада санъатида эришилган ютуқларни умумлаштириш, шу ютуқлар асосида ёшлар учун ижодий лаборатория ва секциялар тузиш, умуман ёшларга ҳар томонлама кенг йўл очиб бериш вазифаси юклатилди. Бу соҳада жадаллик билан олиб борилаётган ишлар аста-секин ўз натижаларини бера бошлади. Гап шундаки, барча эстрада санъати усталарига ва ёш ижрочиларга мамлакатимизда ва унинг ташқарисида ижодий фаолият кўрсатиш учун махсус рухсатнома (лицензия) бериш йўлга қўйилди. «Ўзбекнаво» бирлашмасида таниқли санъат ва маданият арбоблари иштирокида тузилган Бадиий кенгаш, мана беш ой давомида ҳар ҳафта йиғилиб, каттаю кичик эстрада жамоаларини ижодий кўрикдан ўтказмоқда. Бу ижодий жараён санъаткорларга ҳам маъқул бўлди. Ахир, улар ҳам ўз фаолиятларини, ижодий изланишларини, яратаётган янги асарларини элакдан ўтказиб олишлари керак-да.

Эстрада санъати усталари ва ёш ижрочиларининг эътибори эндиликда асосан ижодий изланишга, янги қўшиқ ва куйлар яратишга, ўз маҳоратларини кундан-кунга оширишга қаратилган. Бу масалада истеъдодли ва изланувчан бастакор ва шоирлар ҳам енг шимариб ишга киришмоқдалар. Нимагаки, савияси паст, ўртамиёна қўшиқларга энди ўрин йўқ. Ижодий изланиш хонандалар, бастакор ва шоирларнинг ягона мақсади бўлиб қолди. Халқимизга ўзбекона, миллий руҳда яратилган асарлар зарур. Улар қалбини фақат чуқур мазмун ва маънога эга бўлган қўшиқларгина забт эта олади.

**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш, яратилаётган янги қўшиқларни оммалаштириш, ёш хонандаларни кашф этиш ниятида 2002 йилнинг 11—13 феврал кунлари Тошкент шаҳрида «Азиз она юртим наволари» Республика миллий эстрада қўшиқлари биринчи танловини ўтказишни режалаштирди.**

***Хўш, бугунги эстрадамизнинг ютуқлари ва камчиликлари яна нималарда кўринади. Уни янада бойитиш, ранг-баранг қилиш, миллий руҳ бағишлаш учун яна нималар қилиш керак? Шу саволлар билан санъатимиз юлдузлари Ўзбекистон халқ артистлари — Турғун Алиматов, Бертахоним Давидова ва Икром Акбаровга мурожаат қилдик.***

*Берта ДАВИДОВА, Ўзбекистон халқ артисти:*

—Ўзбек миллий эстрада санъати маданиятимиз равнақига катта ҳисса қўшаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Эстрада қўшиқларини нафақат ёшлар, катталар ҳам севиб тингламоқда. Айниқса, миллий қўшиқ-куйларимиз, халқ ашулаларимиз асосида қайта ишланган эстрада қўшиқларга эҳтиёж катта. Мен бу йўналишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман. Ўзим ҳам шундай қўшиқларини яхши кўраман. Лекин бу масалада устоз ва ёш хонандаларимиз ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари керак. Мумтоз ва халқ куй-қўшиқлари маданиятимизнинг катта хазинаси, мулки ҳисобланади. Шундай экан, яратилаётган эстрада қўшиқлари, мумтоз қўшиқ-куйларимизга руҳан мос бўлиб, уларга путур етказмаслиги лозим. Айниқса, ёш хонандаларимиз ғазал ва шеър матнларига эҳтиёт бўлишлари, асар ғоясини бузмасликлари, сўзларини ўзгартирмасликлари керак. Улар қўшиқ учун шеър танлаганларида тарбиявий мавзуга, халқимизни улуғловчи шеърларга эътибор берсалар яхши бўлар эди. Негаки, сўнгги пайтда қўшиқларнинг мавзу доираси жуда торайиб кетди. Бу бизнинг қўшиқчилик санъатимизга хос нарса эмас. Шунингдек, хонанда аёл-қизларимиз саҳна либосларига алоҳида эътибор беришлари керак. Миллий эстрада хонандаси аввалambор ўзининг ташқи кўриниши билан ажралиб туриши лозим. Агарда хонанда қизларимиз миллий сипо кийимлар кийиб, сочларини ҳам шунга мос равишда турмаклаб саҳнага чиқсалар, муваффақиятлари янада ошган бўлар эди. Яна бир гап. Каттаю-кичик хонандаларимиз қаерда бўлмасин, ўз қўшиқларини жонли ижро этишга ҳаракат қилсинлар. Жонли ижро хонанданинг маҳоратини оширади, янги-янги нолалар, қўшиқчилик санъатида керак бўлган қочиримлар излаб топишга имкон беради. Улар фонограммага ўрганиб қолсалар, хонандаларимизнинг овоз кенглиги, унинг ширадорлиги, қолаверса, баланд-паст пардаларда ишлаш маҳоратлари йўқолади. Худо берган ширин ва дардли овоздан ҳеч бир хонанда айрилмасин.

Бугун менга ёш эстрада хонандалари Илҳом Фармонов ва Севара Назархоннинг изланишлари, миллий руҳда яратилган қўшиқлари жуда маъқул. Севарахонга мен меросимиздан бир неча қўшиқларни танлаб қўйдим. Бу қўшиқларни тайёрлашда унга ёрдам беришга тайёрман.



*Турғун АЛИМАТОВ, Ўзбекистон халқ артисти, устоз созанда:*

—Ўзбек миллий эстрада санъатида мени таажжубга ва ҳаяжонга соладиган ҳоллар жуда кўп. Мумтоз ва халқ қўшиқ-куйларимиз асосида янги қўшиқлар яратилмоқда ва ижро этилмоқда. Лекин нима учун эстрада чолғулари таркибида миллий созлар йўқ. Ачинарлиси шунда. Қандай қилиб мумтоз ва халқ куйларидан, оҳангларидан фойдаланаётган бастакорлар, миллий эстрада қўшиғини яратиш жараёнида миллий, ноёб созларимизни четлаб ўтишмоқда. Бу мутлақо мумкин эмас. Ҳеч қачон синтезатор ёки компьютер миллий сознинг ноласини, унинг юрак уришини беролмайди. Миллий соз ўрнини Оврупо чолғу асбоблари ҳеч қачон босолмайди. Ахир, миллий эстрада қўшиғини ёки куйини ижро этаётганда гитара ўрнига танбурни олиб кирса бўлади-ку. Оврупо созлари керак, албатта, лекин бунинг учун миллий созларни четлаш шарт эмас. Бу ўзбек миллий эстрада санъати талабларига жавоб бермайди. Шу ўринда «Ялла» ансамбли, «Нола» гуруҳи, Равшан Номозов ва Маҳмуд Номозовни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман, уларнинг изланишлари ва ижодлари мақтовга сазовор. Ёш эстрада хонандаси Тоиржон Қўзиев ҳам бу соҳада айрим ютуқларга эришмоқда. Мен бугун ўзбек эстрада санъатида миллий созларни тўғри ва ижодий ишлата билиш катта ютуқ деб биламан. Аслида эса бу табиий ҳол бўлиши керак.

Яна бир гап. Эстрада бастакорлари куй бастала-ганда мумтоз шеърларнинг мазмунига, ғоясига чуқурроқ эътибор беришларини истардим. Чунки мумтоз шеърларнинг мағзини чақиш унчалик осон эмас, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун бастакорларимиз устоз шоирлар, олимлар билан маслаҳатлашиб ишласалар, яратилаётган қўшиқлари таъсирчан бўлади, ҳар бир тингловчининг қалбига етиб боради.

Бастакорларимиз бир нарсани унутмасликлари керакки, бой меросимиздан фойдаланаётганда ўзаро уйғунлик зарур. Мумтоз ва замонавий куйлар моҳир бастакор ва оранжировка устаси томонидангина уйғунлаштирилиши мумкин. Лекин бу масалада ҳам чегарадан чиқиб кетмаслик лозим. Бастакор ва эстрада хонандалари мақомга, мақом куйларига эҳтиёт бўлишлари керак. Бу масалада қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиш мумкин. Мақом — бу бизга Оллоҳдан берилган инъом. Биз каттаю кичик созандалар ҳам мақом куйларига эҳтиёткорлик билан ёндошамиз. Мақом бизнинг юрагимиз, қалбимиз, уни кўз қорачиғимиздек сақлашимиз, авайлашимиз лозим.

*Икром АКБАРОВ, Ўзбекистон халқ артисти:*

—Бугунги кунда жаҳон эстрада санъати оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Хоҳлаймизми, йўқми, буни тан олишимиз лозим. Мен бу билан эстрада санъатиинг ютуқларини, бой тарихини йўққа чиқармоқчи эмасман. Лекин бугун бу соҳада ютуқлардан кўра, камчиликлар кўпроқ. Камчиликларнинг биринчи сабаби шундаки, телевидение эстрада санъатини шоу-бизнесга айлантириб юборди. Бу эса маҳоратсиз хонандаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳам охирги беш-олти йил ичида турли эстрада жамоалари ва якка ижрочилар кўпайди. Мен эстрада гуруҳларининг сони кўпайишига қарши эмасман. Лекин уларнинг фаолияти, ижоди профессионализмга таяниши керак. Афсуски, бу хусусият кўпгина жамоаларда йўқ. Жумладан, айрим ўзбек эстрада жамоалари ва хонандаларида ҳам. Бизда юксак маҳоратта, катта маданиятга эга хонандалар унча кўп эмас. Бундан 20 — 30 йил бурун ҳам шундай эди: Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Стахан Раҳимов, Раъно Шарипова, Муҳаббат Шамаева, Баҳром Мавлонов...

Улар нафақат эстрада хонандалари, балки катта санъаткорлар, ижодкорлар эди. Мен улар билан бир қанча асарлар яратганман ва очиғи қўшиқ яратиш осон бўлмаган. Улар ўз касбига ўта талабчан эдилар. Меҳнатдан, изланишдан ҳеч чўчимасдилар. Мен Ботир Зокиров билан ҳамкорликда ўндан ортиқ қўшиқлар яратдим. Агарда Ботир ўз ишига талабчан бўлмаганда, бу қўшиқлар балки туғилмаган бўларди. Ботир Зокиров драматургия, театр, кино, тасвирий санъат турларининг билимдони эди. Бу санъат турлари унга ижодий илҳом берарди. У доимо ўзбек миллий мусиқа санъатига, мақом ижодиётига таянар ва улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиларди. Ботир тезроқ натижага эришишни хоҳламасди. Уни умуман натижа кам қизиқтирарди. Қўшиқларимиз олишув-тортишувда пайдо бўлар эди. Мен саксон йиллик умримда бундай меҳнаткаш санъаткорни кам учратганман. Балки шунинг учун ҳам Ботир Зокиров биз учун ҳар доим ўлмас шоир, ўлмас санъаткор бўлиб қолади.

Мен бугунги ўзбек эстрада хонандалари озгина бўлса-да Ботир Зокировга ўхшашларини истар эдим. Бизда истеъдодли эстрада хонандалари кўп, лекин уларда изланиш, ижодий меҳнат етишмайди. Эстрада хонандаси аввало юксак маданиятли, ҳар томонлама етук бўлиши керак. Профессионал бастакор ва шоирлар билан доимий мулоқотда, ижодда бўлиши лозим. Яратаётган қўшиқлари бир-икки тингловчи учун эмас, омма, халқ учун эканлигини унутмасликлари зарур.

* * *

***Ўйлаймизки, юқорида билдирилган фикрларни, устоз санъаткорларимизнинг маслаҳатларини бастакорларимиз, каттаю-кичик хонандаларимиз самимий қабул қиладилар. Ижод ҳар бир истеъдоднинг бетакрор оламидир. Бу оламда яратилажак юксак савияли асарлар минг-минглаб кишиларни ҳаяжонлантиради, руҳни камолга етказади, ҳаётни севишга, қадрлашга ундайди. Бу йўлда барча ишларимизга омад ёр бўлаверсин, деймиз.***



## ЖАСУРНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИ

Бугун истеъдодли ўғил-қизларимиз фақат Ўзбекистонни эмас, жаҳонни ҳам ҳайратга солмоқда. Аслида унча-бунча истеъдод билан кўпчиликни ҳаяжонга солиш осон эмас. Тошкентдаги 9-мактабнинг 6-синф ўқувчиси 12 ёшли Жасур Мирсоатов эса Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги тантаналарида ва Конституция кунига бағишланган концертда жарангдор, ширали овози билан италянча «Адажио» қўшиғини куйлаб, томошабинлар қалбига чўғ солди.

*Биринчи мўъжиза*

Унинг бетакрор овозидан ҳайратланиб, ёш истеъдод соҳибининг оиладаги тарбияси билан қизиқдим.

–Тўғрисини айтсам, Жасурнинг қўшиқчиликдаги бу қадар тез парвози оиламиз учун ҳам кутилмаган ҳол бўлди, – дейди ёш хонанданинг онаси Ирода Мирсоатова. – Чунки жиддий қўшиқларни айта бошлаганига эндигина икки йил бўлди. Биз аслида фарзандимизнинг инглиз тили билан астойдил шуғулланишини истаганмиз. Қўшиқ хаёлимизда ҳам йўқ эди. Чилонзор туманидаги Қўшимча таълим мажмуининг тиллар маркази тақдимотида қатнашдик. Бу ерда болалар турли тилларда шундай ажойиб қўшиқлар куйлашдики, Жасур беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди. Шунда мен унинг ўзича хиргойи қилиб юришини эсладим. Хуллас, ана шу мажмуага қарашли «Аладин» шоу-студиясининг бадиий раҳбари Рустам Ҳамроқуловга учрашдик. Мана, икки йилдирки, у Жасурга сабоқ бериб келмоқда. Агар бугун Жасур бирор нарсага эришган бўлса, бу аввало, ўз ишининг фидойиси бўлган Рустам Ҳамроқуловнинг хизматлари туфайли, деб биламан.

Онасининг айтишича, Жасурнинг бобоси моҳир таржимон Ҳусан Рўзиматов болалигидан қўшиқни севган, айниқса, мумтоз қўшиқларимизни ҳозир ҳам хиргойи қилиб туради. Отаси Фурқат Мирсоатов 80-йилларда анча машҳур бўлган «Баёт» гуруҳи таркибида куйлаган. Халқ хўжалиги институтини тугатгач, бошқа соҳага ўтиб кетган. Ҳозирги кунда у Жасурнинг илк тингловчиси ва асосий танқидчиси. Онаси ҳам пианино бўйича мутахассис-ўқитувчи.

Ҳозир Жасур ўзбек, рус, италян, инглиз тилларида куйлайди. Испанча ва французча қўшиқларни ҳам машқ қилмоқда. Айниқса, инглиз тилида бемалол мулоқотга кириша олади. Булар айтишга осон, лекин 12 ёшли бола буни қандай эплаётган экан?

–Истеъдодли болалар жуда кўп, – дейди Рустам Ҳамроқулов, – лекин уларнинг ҳаммаси ҳам машҳур бўлиб кетмайди. Сабаби, санъатнинг нонини ейиш мушкул. Жасур бугун эришган ютуқ асосида истеъдод ва меҳнат ётибди. У машқдан, ишлашдан чарчамайди. Бир неча соатлаб овозини созлаш устида эринмай ишлайди. Масалан, биргина «Адажио»ни айтишдан олдин овозини 40-50 дақиқа созлайди. Ҳар қандай бола ҳам бу юкни кўтаравермайди. Ўтган йил декабр ойининг бошида «Алпомиш» саройида ўтган «Умид юлдузлари» фестивалида «Аскар бўламан» қўшиғи билан қатнашиб, мухлислар олқишига сазовор бўлганининг сабаби ҳам шунда.

Жасур фақат қўшиқни эмас, рақс тушишни ҳам ўрнига қўяди. Ҳафтада уч марта рақс тўгарагига қатнашади. Ҳар якшанба куни «Зарафшон» ресторани болалар мюзик -холли шоусида ҳам актёр, ҳам хонанда, ҳам раққос сифатида саҳнага чиқади.

**–Мактабдаги ўқишлари қандай?** – деб сўрайман Иродахондан.

–Ўқишлари яхши. Лекин, очиғи, турли тадбирлар, танловлар туфайли дарсларни қолдиришига тўғри келиб туради. Кези келганда, мактаб раҳбариятига ва синф раҳбари Дурдона Қодироваға миннатдорлик билдирмоқчиман. Улар қолдирилган дарсларни ўзлаштиришда ёрдам беришади, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади.

**–Жасур, қўшиқдан ташқари яна нималарга қизиқасан?**

–Мактабдаги дарсларнинг барчасига, айниқса, математика, физика, инглиз тилига қизиқаман. Бир ярим йил теннис билан шуғулланганман, афсуски, ҳозир имкониятим йўқ, велосипед миниш жону дилим. Эртак ўқишни яхши кўраман. Лотин имлосида чиққан деярли барча эртак китобларни ўқиб бўлдим. Агар бўлса яна ўқирдим.

**–Тинимсиз машқлар, тадбирлар, дарслар сени чарчатиб қўймайдими?**

–Йўқ, ҳеч қачон чарчамайман. Фақат ўртоқларим билан ўйнашга вақтим қолмаётганига ачинаман. Кўп нарсаларга улгуришимда Даврон акам ёрдам беради. У 7-синфда ўқийди. Ҳатто мен бемалол шуғулланишим учун барча уй юмушларида онамга қарашади. Шундай бўлса ҳам ўқишлари яхши. Айниқса, инглиз тилини зўр билади. Тарихга жуда қизиқади, дипломат бўлмоқчи.

**–Ўзинг нималарни орзу қиласан?**

–Асосий орзуим турли тиллардаги қўшиқлардан иборат концерт тайёрлаш ва тингловчиларга ҳавола этиш. Кейин репертуаримда ўзбекча қўшиқлар кўп бўлишини хоҳлайман. Наврўз байрамига атаб ўзбек тилида яхши бир қўшиқ яратмоқчи эдим. Онам билан бирга шеър излаяпмиз. Кейинчалик ўзбек халқ қўшиқлари, катта ашулаларни ҳам ўрганиш ниятидаман. Айниқса, созлар жўрлигисиз айтиладиган катта ашулада ўзимни синаб кўришга қизиқаяпман.

Болаликнинг беғубор оламида яшаётган Жасурнинг орзулари кўп. Шу орзулар унга қанот бўлишини тилаймиз.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# ЮРГАН ДАРЁ...

**Таниқли мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, профессор Алишер МИРЗАЕВ Европанинг илғор мамлакатларидан бири, қадимий маданият маркази Германияда бир ойлик ижодий сафарда бўлиб қайтди. Шу муносабат билан таниқли рассомга бир неча савол билан мурожаат қилдик.**

**–Алишер ака, суҳбатимиз бошида умумийроқ бир савол. Хорижий мамлакатларга қилган сафарларингиз ижодингизга қандай таъсир қилган?**

–Юрган дарё, ўтирган бўйра дейдилар. Фақат устахоналарда ўтириб олиб, ижод қиладиган рассомларни тасаввуримга сиғдира олмайман. Ҳақиқий рассом – табиат фарзанди. Ўзбекистон табиати эса ҳар қандай ижодкорга битмас-туганмас манба бўлиши, ранг-баранг мавзулар бериши мумкин. Лекин ўз соҳасида кенгроқ одимлаш, теранроқ фикрлаш учун хорижий мамлакатларга саёҳат қилиш, у жойлардаги кишилар ҳаёти, маданияти, санъати билан чуқурроқ танишиш ҳар бир ижодкор учун табиий зарурат, деб ўйлайман. Шахсан ўзим Франция, Ҳиндистон, Сурия, Югославия, Германия, Булғория, Туркия каби мамлакатларда бўлганман. Хорижий давлатларга борганимда дастлаб умумий тасаввур ҳосил қилишга интиламан, сўнгра шаҳар ва қишлоқларни томоша қиламан, турли табақага мансуб кишилар билан мулоқотга киришаман. Мана шундай жараёнлар асосида ўзим борган мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари билан боғлиқ туркум асарлар вужудга келади. Шунингдек, бутун дунёга таниқли хорижлик мусаввирлар асарларини диққат билан кузатаман, ҳатто уларга тақлидан ишлаган асарларим ҳам бор, буни яширмайман. Лекин, асосан ўзим кузатган санъат асарларидан ўрганишга, илҳомланишга ҳаракат қилиб келмоқдаман. Хорижий мамлакатлар музейлари, кўргазмаларидаги санъат асарларидан кўп нарса ўрганиш мумкинлигини тан олиш лозим.

**–Энди Германияга қилган сафарингиздан кўзланган мақсад ҳақида сўзлаб берсангиз.**



–Бундан 19 йил илгари Германияда бўлганман ва ўшанда бу ажойиб мамлакатга яна қачондир ташриф буюришни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Дастлабки сафарим пайтида немис халқи Ўзбекистондек гўзал маъво борлигини кўпам билавермас эди. Мен ҳам катта бир делегациянинг кичкина вакили сифатида бориб келгандим. Бундан ташқари, ўша сафар арафасида ўнлаб чиғириқдан ўтишга тўғри келганди. Бу сафар рассом Володя Ким билан мустақил Ўзбекистон вакили сифатида ҳеч қандай чеклашларсиз, ортиқча чиғириқсиз Германия сафарига отландик ва бир ой давомида бу ажойиб давлат билан танишдик.

*Сафарнома*

Германияга қилган бу галги сафаримдан бир қатор мақсадлар кўзланган эди. Биринчидан, мустақил юрт вакили сифатида хорижга бемалол чиқа олиш имкониятидан фойдаланиш, иккинчидан, 19 йил аввалги Германия билан ҳозиргисини қиёслаш, учинчидан, немис тасвирий санъатидаги ривожланиш, янги пайдо бўлган асарлар, рассомликдаги оқимлар ҳақида маълумотга эга бўлиш. Яна кейинги йилларда ўзим яратган асарлар юзасидан хорижлик санъатсеварлар олдида ижодий ҳисобот бериш мақсадини ҳам кўзладим.

**–Германиянинг қайси шаҳарларида бўлдингиз? Немис халқининг қайси жиҳатлари сизга манзур бўлди?**

–Бизни Германиядаги "АТ – Галерея" таклиф этган эди. Кўринадики, ижодий сафаримиз Ўзбекистон – Германия маданий ҳамкорлик дастури доирасидаги сафар бўлди. Бир ой давомида биз Любек шаҳрида истиқомат қилдик. Любекни ўрта асрлар шаҳри дейиш мумкин. Ўша даврларда қурилган бинолар, дарвозалар, костел – черковлар, шунингдек аҳолининг истиқомат жойлари жуда яхши сақланган. Хусусан, биз яшаган бино ҳам 16 асрга оид экан, бинога етказилган бирорта зарар изи кўринмайди, у жуда яхши сақланган. Немис халқининг тарихий обидаларга бўлган муносабати менда катта таассурот қолдирди.

Любек кўчаларида сайр чоғида киши ўзини немис ва голланд рассомлари Дюрер рангтасвир асарлари ичра ёки Рембрандтнинг гравюралари ичра сайр қилаётгандек ҳис қилади. Шаҳар биноларининг дарё сувидаги живир-живир акси, сувда оҳиста чайқалиб турган қайиқлар, ёғ тушса ялагудек тоза майдонлар, тор, лекин осойишта кўчалар, ям-яшил гулзорлар ҳар қандай ижодкорнинг илҳомини жўштириб юборади. Немисларнинг кишилар меҳнатини қадрлаши, экология мувозанатини, мусаффолигини сақлашга бўлган интилиши ҳар қадамда сезилиб туради.

Галерея раҳбари Яхем жанобларининг таклифи билан биз Гамбург ва Любек атрофидаги Бремен, Гамбург каби бир қатор порт шаҳарларини, шунингдек Болтиқ денгизи соҳилларида жойлашган Европада машҳур Травемюнде, Ниındорф шаҳарларини сайр қилдик. Барча шаҳарларда улуғворлик, саранжом-саришталик ҳукмрон. Ана шу ҳислар таъсири остида ўнлаб лаҳзалик чизмалар (эскизлар) яратдик.

Гамбург атрофидаги мўъжаз Клинберг ва Сегеберг шаҳарларида шахсий кўргазмамиз намойиш қилинди. Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ташкил этилган кўргазмаларда Ўзбекистон ва Германияга бағишланган асарларимиз билан қатнашдик.

Сафаримиз давомида Германияга қўшни мамлакат — Голландиянинг Амстердам шаҳрига саёҳат уюштирилди. Бутун дунёга машҳур рассомлар Рембрандт ва Ван Гог қадамжолари ҳамда музейларини кўриш биз учун улкан бахт бўлди. Сафаримиз охирлаб Голландиядан Германияга қайтаётганимизда, кўнглимизда туғён ураётган ажиб таассуротларни акс эттираётгандек буюк Бетховеннинг ўлмас мусиқаси янграрди.

**Суҳбатдош: филология фанлари номзоди Ҳамдам ИСМОИЛОВ**

# БОЛАЛИ ЙЎЛОВЧИ

*Ҳажвия*

Шаҳарлараро қатновчи автобус бир бекат юрар-юрмас ўртароқдаги ўриндиқда ўтирган шоп мўйловли йўловчининг қўлидаги икки ёшлар чамасидаги бола аста-секин йиғисини бошлади. Катта йўлга чиққан автобус тезлигини оширди. Боланинг йиғиси ҳам тобора авж олди. Унинг овози шу қадар ўткир эдики, автобус моторининг гуриллаши ҳам унинг олдида ҳолва бўлиб қолди. Болали йўловчининг ёнида кетаётган кишининг охири сабри чидамай, атрофни бепарво томоша қилаётган ҳамроҳига юзланди:

–Ўғлингизни у деб, бу деб юпатсангиз бўларди.

–Бе-е, – деди болали киши, – ҳозирги болаларни осонликча юпатиш қийин. Гўдаклигидан бери чакаги очиқ. Бола – пошшо дейдилар. Манзилга етгунимизча сабр қилиб турасизда.

–Шундай-куя, лекин манзилга етгунча нақ беш соат йўл юришимиз керак. Бу аҳволда янги йил байрамини ҳам бурнимиздан чиқарасиз шекилли.

–Буёғидан хотиржам бўлсинлар. Ўғлим ўзи яхши кўрган нарсани қўлига олса бирпасда юпаниб қолади. Шошилишда йўлга ҳеч нарса ололмабман. Сизда бирор-бир егуликми ё шунга ўхшаш нарса йўқми?

Ҳамроҳи ёнидаги халтасини титкилаб бир дона олмани олдида болага узатди. Бола олмага бир зум қараб тургач, афтини бужмайтириб, яна йиғлашга тушди. Отаси олмани боланинг қўлидан олиб чўнтагига тикди-да, хотиржамлик билан деди:

–Айтдим-ку сизга ҳозиргилар анойимас деб. Олмани кейин ейди шекилли. Тўрхалтангизда яна нима бор? Қизғанчиқлик қилмасдан олаверсангиз-чи! Боланинг кўнглини олиш савоб бўлади, биродар.

Бола йиғисидан хуноб бўлаётган йўловчи зўракилик билан, ноилож илжайиб майизли булочка, тўрт дона қурт олиб узатди. Аммо улар ҳам кор қилмади – боланинг йиғиси авжига чиқди. Ён-атрофдаги йўловчилар бирин-кетин қулоқларини бекитишга тушдилар. Бироқ бу аҳвол кўпга чўзилмади – уларнинг ҳам тоқатлари тоқ бўлди.

–Йиғи деганлари шунақа ҳам бўладими? Вей, тинчлантирсангиз-чи! Янги йил, бир дам олайлик деб йўлга чиқувдик.

–«Муножот»га ўхшаб юракни эзворди-ку, а?! Ўзингизни болангизми, ё...

–Бай-бай-бай! Катта бўлса бу болангиздан роса зўр операчи чиқади-да!

–Ўнта бола боқиб ҳам бунақанги йиғини эшитмагандим. Икки соатдан бери қулоқни қоматга келтиряпти-я!

–Боланинг ўзи ростдан ҳам йиғлаяптими, ё магнитафонга ёзволганмисиз!?

Ота боласини юпатишга уринмасин барибир фойдаси бўлмади: йиғи кучайса кучайдики, асти тўхташидан дарак йўқ эди. У ёлворгудек бўлиб яна йўловчиларга термулди:

–У деб, бу деб ранжишинглардан наф йўқ, – деди уф тортган бўлиб. – Бир вақтлар ўзинглар ҳам мана шундай бола бўлгансизлар. Ҳа, ундан кўра, ёнингларни ковлаб, топган-тутганингларни узатинглар-чи, кўриб зора тинчиса.

Автобусда «болани тинчлантириш ҳашари» бошланиб кетди: кимдир иккита сомса, бир ҳовуч майиз, яна кимдир тешиккулча, шоколадли вафли, аллаким печенье, қанд-қурс узатди. Орадан кўп ўтмай боланинг ён-вери ёймачи тижоратчининг дўконига ўхшаб кетди. Аммо йиғи тинмасди.

Болали киши келиб тушган нарсаларни ёнидаги халтага, чўнтакларига шошилмай жойлар экан, қўшимчалаган бўлди:

–Қадрли йўловчилар, ҳимматинглар учун раҳмат! Ҳамманглар болани яхши кўрасизлар экан. Биласизларми, ўғлим гоҳида пулни кўрса йиғидан тўхтаб қоларди. Агар сизларга малол келмаса...

У гапини тугатмаёқ чор-атрофдан майда-чуйда пуллар қўлма-қўл узатила бошлади: «Ишқилиб бола тинчиса бўлди!»

Аммо боласи тушмагурга йиғидан ҳам, овоздан ҳам берган экан – манзил ярим бўлди ҳамки тин олай демасди. Йўл-йўлакай радио тинглаб, машина бошқаришни хуш кўрадиган ҳайдовчининг ҳам қовоқ-тумшуғи аллақачон осилиб кетганди. Музика эшитай деса бу ёқдаги ғалва одамларга етарли бўлиб турибди. Эшитмай деса юрак қурғур ёзилай демайди. Унинг ҳам сабри чидамай болали йўловчи томонга бошини кескин буриб гап қотди:

–Ҳўвв акахон, бу «ашулачи»нгиз билан қаёққача борасиз?» Оббў, охирги бекатгачами?! Яна тўрт соат чидашимиз керакми?

У хуноб бўлиб автобуснинг тезлигини оширди. Сендан ортда қоламанми, дегандек боланинг йиғиси ҳам кучайди. Автобус гўё туғруқ уйига ўхшаб кетди: биғ-биғ-биғ...

Ҳайдовчи барибир сабр-тоқат қилолмади. Автобусни шартта тўхтатди-да болали йўловчига ялинишга тушди:

Жон ака, ҳали манзил узоқ. Бу аҳволда ўзингизни ҳам, болангизни ҳам қийнаб қўясиз. Мен йўлдан биронта енгил машина тўхтатиб берсам қалай бўлади? Ҳар ҳолда манзилингизга биздан тезроқ етиб олардингиз.

Йўловчилар орасидан «Жуда тўғри!», «Яхши бўларди!», «Бизга ҳам раҳмингиз келсин!», «Э, ҳайрият-э!» қабилидаги қувончли хитоблар эшитилди.

–Яхши-куя, – деди болали одам бироз ўйланиб, – лекин йўлкира чатоқ-да! Пулим бўлганда аллақачон «Нексия», ё «Тико»да кетган бўлардим.

Унинг гапини эшитиб ҳайдовчи суюниб кетди.

–Йўлкирани ўзим тўлайман. Мана, олинг!

У шундай деб йўловчининг олдига келди-да бир даста пул узатди. Пулни кўриб йўловчи бошини чайқади:

–Бу ўзимга етади, холос. Биз икки киши, йўғэ уч кишимиз.

–Учинчинглар ким? – ҳайрон бўлди ҳайдовчи.

–Ана, орқамда ўтирибди! – йўловчи шундай деб бошига рўмол ташлаб олган аёлни кўрсатди. –Боламнинг онаси бўлади.

Ҳайдовчи кўзларини чақчайтириб чўнтагига яна қўлини тикди.

Йўлдаги бекатда тушиб қолишгач, эр хотинига болани узатар экан аста шипшиди:

–Менимча ўғлимизнинг бугунги «бизнеси» ҳам чакки бўлмади. Энди бироз эмиздириб қўй. Ўн минутдан кейин Қўқондан автобус келади. Яна ортимизга қайтамиз. Ишқилиб автобусда одам кўпроқ бўлсин-да.

–Дадаси, болани ҳадеб чимчилайверманг. Мени кўрмаса ўзи йиғлайверади.

–Йиғисининг авжи пасайганда чимчиламасам бўлмаяпти-да! Ий-йе, ана автобус кўринди. Болани тезроқ менга бер!

... Автобусда мудроқ босиб келаётган йўловчилар чўзиқ йиғини эшитишиб, болали киши томон бўйниларини чўзиб қарай бошлашди...

**Ҳалимжон ТОҲИРОВ**



Рассом А.ҲАКИМОВ

## БИР БАЛО ҚИЛИБ...

*Бу дунёда бўлмайдиган*
*Иш йўққан қолдим билиб.*
*Иложин қилса бўлар*
*Барин "бир бало қилиб".*
*Ҳар кун минглаб илтимос*
*Бўлар бир-бирга кириб.*
*"Ёрдамлашгин", "Қўллаб юбор",*
*Ўзинг бир бало қилиб.*
*Сал тиргович бўлса тамом,*
*Кетаркан ишлар жилиб.*
*Амаллаб ишлаяпти*
*Бир дўстим раҳбар бўлиб.*
*"Семинарим бор" деди,*
*Бир ошнам уйга келиб,*
*Оқшом ваъз ёзиб бердим*
*Унга бир бало қилиб.*

*Ишга жойлаб юборди*
*Мени юзхотир қилиб.*
*Қўнимсиз бир укамни*
*Дўстим, бир бало қилиб.*
*Терговга тортилганди*
*Қўшним жиноят қилиб,*
*Қутқаришди "хеш"лари*
*Уни бир бало қилиб.*
*Кўрдим заиф китобни,*
*Ўқиган қўяр кулиб,*
*Уни чиқариб берган*
*Ношир бир бало қилиб.*
*Янги асар тез кунда*
*Барчани қилди безор.*
*Уни саҳнага қўйган*
*Бир илож қиб режиссёр.*

*Мактабда издан чиққан*
*Тарбия ҳамда таълим*
*Ўтар қирқ беш минутни*
*Бир амаллаб муаллим.*
*- Мунча бемаза анов*
*Хонанда хонишлари?*
*Бир бало қиб экранга*
*Чиқарган танишлари.*
*"Меҳмонхонада жой йўқ"*
*Шу сўз қўйилган илиб.*
*"Гаплашилса" ходим жой*
*Топар бир бало қилиб.*
*Ушбу ҳажв шеърни мен*
*Битгандим тонгда туриб.*
*Чиқарса бош муҳаррир,*
*Уни бир бало қилиб.*

***Ўткир САИДОВ***

## ҚАЙРОҚИ ГАПЛАР

**Танқидчиларга қийин: бемаза китобларни ҳам охиригача ўқишлари керак.**

***

Рассом янги асарининг бир четига доғ қўндириб кетган пашша ҳам ҳаммуаллифлик даъво қилиши мумкин.

***

**Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Лекин нимани ва ким учун ўлчаётганига қараб...**

***

Сизни сотишибдими?.. Кўп ҳам куйинаверманг. Сотишга арзибсиз-ку!..

**Ҳабиб СИДДИҚ**

–Мамат бригадир уйига бир прицеп хашак туширибди...

–Қўйинг. Бу майда-чуйда гап.

–Сулаймон қоровул жамоа боғининг олмаларини ўзимники деб ҳар бозор чиқариб сотади.

–Буям майда-чуйда.

–Раимов-чи? Мудир бўлгандан бери фермадаги сара ҳўкизларни сотиб еб, ўрнига жайдарилардан тўлдирибди. Бу энди аниқ факт.

–Ҳа-а, нима қиламиз ўзимизни шарманда қилиб. Ишқилиб жойини тўлдирибди-ку. Майдачуйда. Сиз менга шундай гап айтинг-ки, оламшумул бўлсин.

–Жамоамизда ҳеч ким ишга қизиқмай қолди. Ҳамма ўзининг томорқасида...

## ОЛАМШУМУЛ ЯНГИЛИК

–Уф-ф, жуда инжиқ экансиз-да. Шуям гап бўбти-ю. Ҳамма нарса хусусийлашгандан кейин одамлар томорқасига ишлайди-да. Бунинг нимаси янгилик. Ҳаммага маълум гап-ку?

–Тракторчилар, ҳайдовчилар жамоа машинаси ва тракторига «левак» ишлашади. Қанча бензин, солярка...

–Ҳа энди, «запчаст»ни ўз чўнтагидан сотиб олгач, фойдаланади-да. Қўйинг, майда-чуйда гапларга парво қилманг, дедим-ку.

–Ҳе-е, сиз ҳам қўйинг-е. Мухбирман дейсиз, факт керак дейсиз. Айтганларимнинг барини майда-чуйда дейсиз. Тушунмай қолдим. Нима ҳам деймиз, биз ўзи майда одаммиз, билганимиз ҳам шуда. Агар сизга каттароқ гаплар керак бўлса ана, раис бувадан – каттамиздан сўрай қолинг. Ҳў, ана, хўжаликнинг меҳмонхонасида, дам олиб, кун бўйи билярд суради...

–Нима, нима? Билярд? Йўғ-э? Раис билярд ўйнайдими? Зўр-ку, сизни қаранг-у, нега дарров шуни айтмадингиз? Ахир бу оламшумул янгилик-ку. Раис билярд ўйнаса-ю, сиз секин гапирасизми. Ахир бу жамоа хўжалигида маданий-маърифий ва спорт ишлари "беш" дегани-ку. Эҳ-ҳе-е... Тасаввур қилинг-а... Спорт майдонлари. Маданият уйи, шахматчилар клуби. Теннис корти ва ниҳоят раис бошчилигидаги билярдчилар клуби. Айни ҳозирги замон руҳида-я. Ана янгилиг-у, мана янгилик. Оламшумул янгилик. Ваҳ-а... Ҳе, яшаворинг, акам...

**Сафар КОКИЛОВ**



Рассом А.ҲАКИМОВ

## ҲАММАСИ АСАБДАН

Бошимда аҳён-аҳёнда оғриқ сезардим. Буни ҳамкасбларимга айтгандим улар турлича маслаҳат беришди.

- Энг асосийси, дардга эътибор бермаслик керак. Касалликни ўзингга олдингми баттар бўласан,–деди олдимда ўтирадиган ошнам. -Ўйлаки, бошинг оғримаяпти. Ичингда икки-уч қайтар бошим оғримаяпти, бошим оғримаяпти. Тамом, оғриқ ўз-ўзидан йўқолади.

— Бу ғирт нотўғри фикр. – Ён томонимда ўтирадиган ҳамкасбим унинг гапини бўлди. – Касалликнинг олди олинмадими, у оғир оқибатларга олиб келади. Ўз вақтида врачга мурожат қилиш керак.

Иккинчи ҳамкасбимнинг гапи мени ҳушёр тортирди. Ахир жон ширин.

Эртасига эрталаб тўғри поликлиникага йўл олдим. Рўйхатга олиш хонасида номимга дафтар очишди ва уни қўлимга тутқазишиб терапевтга учрашишимни айтишди.

–Хўш, сизни нима безовта қиляпти? – шифокор бошини кўтармай қўли билан ёнидаги стулга ўтиришимни ишора қилди.

–Бошимда оғриқ сезгандай бўламан, — дедим унинг бепарво муносабатидан ўксиниб, илтижоли оҳангда.

Овозимдаги ўта шикасталик таъсир қилдими, врач ёзишини тўхтатиб юзимга тикилди.

–Кўринишингиз ёмонмас. Демак, қон босимингиз жойида. Асабдан бўлса керак. Оёқ қандай?

Олдинига ажабландим, кейин жаҳл билан:

–Менинг бошим оғрияпти ,–дедим.

–Ўзингизни босинг, айтдим-ку нервдан деб, дарров асабийлашдингиз. Одамнинг аъзою-бадани нервлардан иборат. Улар инсоннинг бошида, яъни миясида йиғилади. Тушунарлими? Мен сизни тегишли врачга юбораман.

Асаб дўхтири болғачаси билан тиззаларимни уриб кўраркан:

— Қаттиқ қўрққансиз,–деди ишонч билан .

Гумонсираяпти деган фикрга бормасин дея унинг қаттият билан айтган гапига эътироз билдирмадим.

— Қўрқув асосан жигарга таъсир қилади. Сариқ касал кўпайган ҳозир.

Мени кўрган навбатдаги врач ички касалликларни даволовчи мутахассис экан.

— Ички аъзоларга энг ёмон таъсир қиладигани ташқи муҳит. Масалан ҳавони олсак. Нафас олаётган ҳавомизнинг турган-битгани заҳар...

Унинг гапларини эшитиб бу одам илгари табиатни муҳофаза қилиш идорасида ишлаган бўлса керак, деган фикрга бордим.

Бутун оламнинг зарарланаётганлигини маъруза қиларкан, иккала кўзимни обдан текшириб, кўз дўхтирига учрашни маслаҳат берди.

Келгандан буён ўндан ортиқ врачларга учраб куннинг ярмини ўтказгандим. Ҳеч бўлмаса тушдан кейин ишда бўлиш фикрида тепасида тиш дўхтири деган ёзув бор эшик олдида тўхтадим. Хаёлимга кўз дўхтири албатта мени тиш дўхтирига юборади деган фикр келганди. Шундай бўлди.

Ичкарига кириб, қўлида омбур билан мени қарши олган врачга:

–Кўз оғриғига тишнинг ҳам таъсири борми, – дея мурожаат қилдим.

–Барча касаллик тишни парвариш қилмасликдан келиб чиқади. – Врач шу гаплар билан мени стулига ўтқазди ва оғзимни катта очтириб диққат билан тишларимни кўра бошлади. У қўлидаги омбури билан ҳар бир тишимни уриб кўрар, ҳар урганда оғзимдан тақ-тақ деган овоз чиқар, врачнинг «тақ-тақ» дейиши эса худди тишларимдан чиқаётган овозга ҳамоҳанг айтилаётгандек бўларди.

–Оғзингизни ёпинг, – деди врач тишларимни кўриб бўлиб. Унинг овозида ҳайратга ўхшаш бир оҳанг бор эди. Сўнг:

–Сизнинг қаерингиз оғрияпти ўзи? – сўради у.

–Тишим бўлса керак, – дедим мен.

–Тишларингиз соппа-соғ. Ўттиз йил тиш дўхтири бўлиб, бундай соғлом тишларни кўрган эмасман. Менимча, сизга касаллик варақаси керак. Билдимми? Аввал терапевтга бориш керак, муғомбир...

–Сизни нима безовта қилаяпти? – ҳалиги терапевт бошини кўтармай қўли билан ёнидаги стулга ўтиришимни ишора қилди.

Унга нима деб жавоб беришимни ўйлаб қолдим. Сариқ касал бўлганманми? Йўқ. Тишларим соғ. Қон босимим жойида. Қизиқ, ярим кундан буён поликлиникада нима қилиб юрибман?

–Сизни нима безовта қилаяпти? – иккинчи бор сўради терапевт.

–Эслолмаяпман. – Тўғрисини айтдим унга.

Врач бошини кўтариб ҳамдардлик билдирди:

–Нервдан бу, асабингиз чарчаган. Ҳозир асаб дўхтирига йўлланма бераман.

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**

**Газетанинг навбатдаги сони 11 январ куни чиқади.**

## Дунё – кенг...

### ҚОРБОБОНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

**Оппоқ соқоли кўксига тушган, эгнига бўйи баравар қизил пўстин кийган, икки ёноғи қип-қизил чол – Қорбобонинг ёши нечада? Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Янги йилнинг бу тимсоли, айримлар фикрича, 140 ёшда, бошқалар эса унга икки минг йил беришади. Аслида-чи?**

Тимсол сифатида Қорбобонинг «ёши» икки минг йилга тенг. Қадимда Шимолда яшайдиган элу элатлар Қишнинг қаҳрини юмшатиш илинжида кулбаларининг эшигидан ташқарига нон, гўшт қўйишган. Шундай қилсак, Қишнинг қаҳри юмшайди, қаҳратон совуқлар бўлмайди, овга халал бермайди, экин-тикин зиён кўрмайди, деб ишонишган.

Бугун бизга ҳам таниш бўлган – оқсоқолли, қизил пўстинли, ёноқлари алвонранг Қорбобо қиёфаси пайдо бўлганига эса 140 йил бўлган. Бу қиёфани олмон мусаввири Морис фон Швиндт яратган. Ўша пайтда мусаввир Венада яшаган ва Моцартнинг «Фигаро тўйи» операсига безаклар чизган. Мусаввир «Жаноб Қиш», бугунги тушунчамизда айтсак, «Қорбобо» тасвирини яратишни зиммасига олган. Қорбобони у дастлаб мўйна ёқали узун пўстинда, арчани қўлтиқлаб келаётган ҳолатда тасвирлаган. Ана шу сурат асос бўлиб, бугунги бизга таниш Қорбобо тимсоли юзага келган.

### ЯНГИ ЙИЛДА ...

*...инглизлар эшикларини катта очиб қўйишаркан: эски йил чиқиб, янги йил бемалол кириб келсин, деган ниятда. 1 январ куни уйга кириб келган кишининг ташқи қиёфаси оила тақдирига таъсир кўрсатармиш. Буни «Биринчи пойқадам» (First foot) дейишади уларда. Меҳмон янги йилнинг биринчи куни уйга қуруқ қўл билан кириб келмаслиги лозим...*

### МАРСГА БИР ҚАДАМ

**Марс сайёрасига Ер фарзандларининг қадами етишига унчалик кўп вақт қолгани йўқ. Матбуот хабарларида бу сайёрага халқаро экипажни учириш учун махсус лойиҳа тайёрланаётгани, уч нафар ерлик Марсга туширилиши ҳақида хабар берилганди. Бу гаплар асоссиз эмас, албатта.**

Айни пайтда Марсга учишга тайёргарлик ишлари бутун кўлами билан, режадагидек давом этаётир. Қизил сайёра сари сафарга кўрилаётган жиддий тайёргарликда 14 нафар америкалик мутахассис, Европа космик агентлиги вакиллари, россиялик олим ва конструкторлар ҳамкорлик қилишаётир. Яқинда улар бир жойга йиғилишиб, 2001 йили амалга оширилган ишларни таҳлилдан ўтказишади, 2002-2003 йилларга мўлжалланган режаларни кўриб чиқишади. 2004 йилдан бошлаб саноат корхоналарига Марсга учадиган ракетани буюртма беришга киришилади. Албатта, хаёлий орзудай туюладиган бу маҳобатли лойиҳа жуда катта маблағни талаб этади. Лойиҳани амалга ошириш учун ривожланган мамлакатларнинг, жаҳондаги энг йирик фирмаларнинг маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Марс экспедициясининг баҳоси 20 миллиард долларга баҳоланмоқда. Олти нафар кишидан иборат космик кеманинг Марсга йўл олиш муддати 2015 йилга мўлжалланаётир.

### ЯНГИ ЙИЛДА ...

*... эски йилнинг 24 декабригача олмонлар уй-жойларини супуриб-сидириб, саронжом-саришта қилиб олишади. Байрам арафасида қўлга супурги, латта олиш уларда айб саналади. Бу кунлар, яъни 6 январгача уй ишларига қўл урилса, йил омадсиз келади, деб ҳисоблашади олмонлар...*

### ЗАРРАДА 7000000 КИТОБ

Электр қуввати сарфини 100 минг мартага камайтириш ёхуд шакар донасидай бир заррага 7 миллион китоб матнини жойлашни яқин пайтларгача фақат тасаввур қилиш мумкин эди, холос. Япониялик олимлар бу хаёлий фаразни ҳам ҳақиқатга айлантиришнинг усулини ўйлаб топишди.

Япониядаги йирик корпорациялардан бирининг мутахассислари ҳозиргача дунёда ўхшаши бўлмаган энг митти интеграл схема муқобилини яратишди. Унинг қалинлиги – миллиметрнинг юз мингдан бирига тенг. Бу йўналишда тенгсиз ҳисобланиб келинган схемаларнинг энг кичигидан янги кашф этилган интеграл схема етти марта кичик.

Мутахассислар органик ва ноорганик моддаларни бирлаштириш асносида ана шундай ютуққа эришишди. Олимларнинг таъкидлашларича, бу кашфиёт – информацияни етказишнинг мисли кўрилмаган ихчам ва ўта қулай воситаси бўлиб, ахборот алмашиш, тарқатиш бобида улкан имкониятлар очиб беради.

### ЯНГИ ЙИЛДА...

*... италияликлар ўтган йил билан хайрлаша туриб, эски идиш-товоқ, уй жиҳозларидан ҳам бир йўла воз кечишади. Шу тариқа улар эски, ёмон ва иллатли нарсалардан ўзларини халос этишган бўлишади. Римликлар янги йил кунлари бир-бирларига совға улашишни расм қилишган. Очиқ қўллик, улар назарида, янги йилда бойлик, омад олиб келар экан.*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

**Малик МУРОДОВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 3109. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.